Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◎ № 115 (7. 204) ◎ 1990 йил 23 май, чоршанба ◎ Баҳоси 3 тийин

КЎП УКЛАДЛИ ИҚТИСОДИЁТ САРИ

СССР Президенти, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев 21 май куни Кремлда ижара ва кооператив коллективларнинг аъзолари, олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг ректорлари, илғор деҳқон хўжаликларининг ходимлари, колхозлар, совхозлар, агросаноат комбинатлари, бирлашмалар ва бошқа тузилмаларнинг мутахассислари ва раҳбарлари, бир қанча саноат корхоналарининг вакиллари билан учрашди.

Кооперация ва ижара соҳасида тўпланган тажриба, олинган сабоқлар ва истиқболлар тўғрисида, иқтисодий ислоҳотни кучайтириш ва ижтимоий сиёсатни такомиллаштириш шароитида хўжалик юритишнинг янгича шаклларини янада ривожлантириш ҳақида батафсил, рўй-рост ва атрофлича фикрлашув бўлди.

Учрашувда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари, Марказий Комитет секретарлари Е. К. Лигачев, А. Н. Яковлев, КПСС Марказий Комитетининг секретари Е. С. Строев, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари В. В. Никитин, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари И. С. Белоусов, П. И. Мостовой, СССР Олий Совети комитетининг раиси А. Ф. Вепрев, бир қанча министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари иштирок этдилар.

Йиғилиш аҳли ҳузурида М. С. Горбачев нутқ сўзлади.

Учрашув тўғрисидаги батафсил ҳисобот матбуотда эълон қилинади.

(ТАСС).

XXIV Тошкент область партия конференцияси олдидан

ПАРТИЯНИНГ ҚУДРАТИ — ЭЪТИҚОДДА

ЯНА икки кундан сўнг пойтахтимизда XXIV Тошкент область партия конференцияси ўз ишини бошлайди. Область коммунистлари бу кунга қизғин тайёргарлик билан келмоқдалар. Конференцияда иқтисодий-ижтимоий ва маданий турмушимизнинг энг долзарб масалаларини муҳокама қилиш билан бирга қайта қуришни жадаллаштиришга мўлжалланган область партия комитети Ҳаракат дастури ишлаб чиқилади.

Область коммунистларининг мазкур анжуманида Тошкент шаҳридан қатнашадиган делегатларнинг айримларига сўз берамиз.

Сўз — делегатларга

Қобил МАҲКАМОВ,
Тошкент заргарлик заводининг ишчиси.

— Мазкур конференция коммунистлар фаоллигини яна ҳам оширишга ёрдам берадиган анжуман бўлади деб ишонаман. Унда партия аъзолари билан партиясизлар ўртасидаги алоқа мустаҳкамланиб, бугунги ҳаётий муаммоларни биргалашиб ҳал қилинишини истардим.

Назаримда, партия бугун кўпроқ кадрлар масаласига эътиборни қаратмоғи лозим. Кадрларнинг онглилиги, билими, партиявий интизомига қараб бирор масъулиятли вазифани юклаш ва ундан бу ишни сидқидилдан бажарилишини талаб қилиш мумкин. Бунинг учун уларни тўғри танлай билиш лозим. Айнан шу соҳада менимча, камчиликлар мавжуд.

Маълумки, сўнгги вақтларда партия хўжалик ишларидан четлашиб, кўпроқ мафкуравий фаолият билан шуғулланишга эътиборни қаратмоқда. Бу мутлақо нотўғри деб ҳисоблайман. Чунки, бирор бир масалани ҳал этиш учун Советлар ҳам етарли қудратга эга эмас. Ечимини кутаётган муаммоларни ҳал этишни истаётган халқ кимга мурожаат этиши керак?

Кўппартиявийлик шароитида етакчилик ролини қўлдан бермаслиги учун КПСС амалдаги иши билан ўзининг бошқа партиялардан устунлигини кўрсата олиши лозим. Бунга эса қуруқ қарорлар, дабдабали шиорлар билан эмас, балки коммунистларнинг сафларини жипслаштириш, уларни долзарб муаммоларни ҳал этишга сафарбар этиш орқалигина эришиш мумкин. Хуллас, амалий ишга қатъий ўтиш вақти келди.

Валентина ШАБАНОВА,
Октябрь революцияси номли тепловоз ремонти заводининг ишчиси.

— 1970 йилдан бери коммунистлар сафидаман. Турлича аъзолик стажига эга бўлган партиядош ўртоқларимнинг фикр-мулоҳазаларини тинглар эканман, КПССнинг аввалги нуфузини тиклаш учун нималар қилиш кераклиги ҳақида кўп ўйлайман. Назаримда, мавжуд иллатларнинг бари партиявий интизомнинг бўшашиб кетганлиги, ҳар бир коммунист ўзига ва сафдошларига нисбатан талабчанликни сусайтириб юборганлиги сабабли юзага келган. Партия Уставига тўлиқ риоя этилганда эди, соф маънодаги коммунистик эътиқодга, ленинча принципларга ҳамиша амал қилиб келинганда эди, КПСС обрўси ҳақидаги бугунги мунозаралар ҳам бўлмасди.

Ҳар қандай партиянинг қудрати у олдига қўйган мақсадларга аъзоларнинг ишончи, эътиқоди билан белгиланади. Биз оддий коммунистлар КПССнинг тутган йўли, истиқболига ишонамиз. Партия амалга оширишни мўлжаллаётган барча режаларни ҳаётга тадбиқ қилишга, унинг ғояларини халқ орасида тарғиб этишга интиламиз.

Ғафур КАРИМОВ,
«Қурилиш» маҳалла комитетининг раиси.

— Партия ва ҳукуматимиз кейинги пайтларда маҳаллаларга кўпроқ диққат-эътибор билан қарамоқда. Ахир аҳоли истиқомат жойларида ёшлар тарбиясини кучайтириш, оилани мустаҳкамлаш, энг яхши миллий удумларимиз, урф-одатларимизни тиклаш катта аҳамиятга эга-да. Ана шу маънода, маҳаллаларда бошланғич партия ташкилотлари тузиш катта самара беради. Зеро, пенсияга чиққан коммунистларнинг маҳаллий шароитдан келиб чиқиб, ўз турар жойларида ҳам сиёсий-тарбиявий, ташкилий-партиявий ишларни йўлга қўйишлари учун имконият яратилади. Қолаверса, кекса коммунистларнинг иш жойларидаги бошланғич партия ташкилотларидан ажралиб қолиши ҳолларига барҳам берилади.

Ўтган йил ноябрь ойида Чилонзор район партия комитети бюросининг қарори билан маҳалламизда айнан ана шундай бошланғич партия ташкилоти тузилди. Ҳозирданоқ унинг фаолиятига баҳо бериш ноўрин, лекин коммунистларимиз ижтимоий воқеликка фаолроқ муносабат билдира бошлаганликларини таъкидлаб ўтиш мумкин. Хусусан, КПССнинг янги Устави партия ташкилотимизда қизғин муҳокама қилинди. Муҳокамада, партия аъзолигига бир йил муддатли номзодлик стажини тиклаш ҳамда номзодликка қабул қилинаётган кишининг истиқомат жойидан ҳам бир тавсиянома олишни қатъий қилиб белгилаб қўйиш ҳақидаги фикр билдирилди. Менимча, бу жуда асосли таклиф.

49 йилдан бери партия аъзосиман. Аммо, КПССнинг бугунги кундагидек демократлашганини кўрмаганман. Бошланғич партия ташкилотларига кўплаб эркинликлар, мустақиллик берилаяпти. Бунинг қадрига ета билиш керак.

Суҳбатдош У. АБДУШОҲИДОВ.

Адолатни тиклаш йўлида

21 май куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитети 40-йилларнинг охири — 50-йилларнинг бошларида ВКП(б) Марказий Комитетининг «Звезда» ва «Ленинград» журналлари тўғрисида»ги қарори асосида қабул қилган баъзи қарорлари билан боғлиқ материалларни ўрганиш комиссиясининг мажлиси бўлди. Бу қарорни КПСС Марказий Комитети 1988 йилда хато қарор сифатида бекор қилган эди. Мажлисни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби Ж. Ҳ. Ҳамидов олиб борди.

Мажлисда қилинган ишларнинг баъзи якунлари кўриб чиқилди, комиссиянинг бундан кейинги фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Комиссия ўз хулосаларининг бир қисмини Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди арафасида эълон қилиши мумкин, деган қарорга келинди.

(ЎзТАГ).

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети Президиумининг «Йигирма биринчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советини чақириш тўғрисида»ги ҚАРОРИ

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети Президиуми ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг иккинчи сессияси 1990 йил 15 июнь куни Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитетининг сиёсий маориф уйи биносида соат 10 да очилсин.

Сессия кун тартибига қуйидаги масалалар киритилсин:

— Халқ депутатлари шаҳар Советининг регламентини, Тошкент шаҳар Совети доимий комиссиялари тўғрисидаги вақтинчалик низомни тасдиқлаш.

— Сайловчиларнинг наказларини бажариш бўйича тадбирлар плани тўғрисида.

— Халқ судьяларини тасдиқлаш ва бошқа масалалар.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг раиси А. ФОЗИЛБЕКОВ.



Суратли репортаж

ЯНА БИР ШИФО МАСКАНИ

Мабодо Юнусобод даҳасига йўлингиз тушса, кўкка бўй чўзиб турган мана бу темир-бетон устунларга кўзингиз тушар. Бу ерда том маънода ҳаёт қайнаяпти. Етти ўлчаб, бир кесишни канда қилмайдиган қурувчилар бутун диққат-эътиборларини бу янги юксалаётган бинонинг қаватлари ўзаги мустаҳкам бўлишига қаратганлар.

Хўш, у қандай бино бўлади, дерсиз.

— Бу — вирусология илмий-тадқиқот институтига қарашли юқумли касалликлар шифохонаси бўлади, — дейди 4-қурилиш трести 68-қурилиш бошқармасининг шу ердаги иш бошчиси Деҳқонбой Аропов, — юринглар, бинокорларимиз қандай ишлаётганини ўз кўзларингиз билан кўриб, кейин баҳо берасиз.

Қурувчи халқи қизиқ бўларкан: вақтини жуда қизғанади. Кинога олишяптими, суратгами — улар учун бари бир: ишларини давом эттираверишади. Шу сабабли биз бу лавҳаларни олишга унча қийналганимиз ҳам йўқ. Ҳатто улар қурилиш ҳақида фикрлашиб кетишдики, қани энди уларнинг жон куйдириб айтаётган ана шу сўзларини ҳам ёзув тасмасига туширсак деб орзу қилардик. Ахир, «гунг» фотоаппаратда бунинг имконияти йўқ эди-да...

Муайян лаҳзаларни акс эттирган бу суратлардан бирида жамоа илғор қурувчилари гуруҳининг етакчиси В. Зелечёнок ҳозиргача қурилишда нималар қилинганию, уларнинг сифати қандай бўлгани ҳақида ўртоқларининг фикрларини сўраяпти.

Бу ерда бундай илғорлар оз эмас экан. Темир-бетон устунларини бир-бирига уловчи Л. И. Шурков ва бошқалар ҳақида кўп илиқ сўзларни эшитдик.

Деҳқонбой Ароповнинг энг яхши қурувчилар гуруҳи етакчиси Валерий Гизатуллинга Фахрий ёрлиқ топшираётган дақиқасини суратда муҳрладик... Энди Деҳқонбойнинг ўзи ҳақида икки оғиз сўз: у қурилишда 12 йилдан буён ишлаб келади. Бу ердаги 150 ўринли шифохона қурилишини жадаллаштириш, сифатини яхшилаш куну тун унинг эътиборида дейиш мумкин. Ҳозир учинчи ва тўртинчи қаватларда иш қизғин. Бу бино қурилиши ўтган йили бошланган эди. Мўлжал асосан— 1992 йилда фойдаланишга топшириш бўлса ҳам бинокорлар ўз имкониятларини пухта чамалаб, уни келгуси — 1991 йилдаёқ ишга тушириш мажбуриятини олдилар. Албатта, бу айтишга осон. Бу фақат уларнинг ўзигагина боғлиқ бўлса-ку бошқа гап. Аммо бунда қурилиш материалларини ўз вақтида етказиб турувчи таъминотчилар, бинокорларга етарли шарт-шароитлар яратиб бериш каби омиллар ҳам муҳим аҳамият касб этиши турган гап.

Ҳ. АБРОРОВ.
Т. Каримов суратлари.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Яхши кайфият бағишлашди

◎ **МЕҲНАТ Қизил Байроқ орденли Тошкент Давлат тиббиёт институтининг 1-клиникаси бирлашган қабул бўлими беморларни даволаш борасида самарали иш олиб боришяпти.** Қабул қилиш бўлимида бир кеча-кундуз мобайнида 200 дан ортиқ беморларга юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатилмоқда.

Яқинда бўлим ташкил топганлигининг 10 йиллиги муносабати билан бу ерда учрашув бўлиб ўтди. Миллий қадриятларимизнинг яна қайта тикланганлиги барча йиғилганларга шодлик улашди. Миллий таомлар билан безатилган дастурхон атрофига йиғилган турли миллатга мансуб меҳмонлар, мезбонлар кечани зўр хурсандчилик билан ўтказишди.

Кечада «Парвоз» ансамблининг таниқли хонандаси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Маҳмуджон Азимов раҳбарлигидаги санъаткорлар дилрабо қўшиқ ва жозибали рақслари билан иштирок этиб, йиғилганларга яхши кайфият бағишлашди.

М. ҲАМРОЕВА.

Навбат жаҳон бозорига

◎ **«УЧҚУН» тўқимачилик ва атторлик буюмлари ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси таҳёрлаётган маҳсулотлар ўзининг харидоргирлиги билан ажралиб туради.** Корхона ишчилари асосан жумҳурият тикувчилик корхоналарини резина маҳсулотлари ва пардоз техник лентлари билан таъминлайдиган ягона корхонадир. Улар тикувчилик корхоналарини зарур маҳсулотлари билан таъминлаш билан бир қаторда жумҳурият савдо шохобчаларига ҳам аҳоли дидига мос буюмлар етказиб беришмоқда.

— Энди навбат жаҳон бозорига, — дейди корхона директори Д. Юсупов. — Корхонамиз маҳсулотларидан бир туркуми Ватанимиз пойтахтида, жумҳурият ваколатхонасида ташкил этиладиган савдо кўргазмасига юборишга тахт қилиб қўйилди.

М. ҚОДИРОВА.

Дунё мезони талабида

◎ **«КОМПРЕССОР» заводи дунё миқёсида маҳсулотларининг сифати жиҳатидан қадрланадиган йирик корхоналардан биридир.** Бу ерда турли маркадаги компрессорлар ишлаб чиқарилади.

Янгича тафаккур, янгича иш юритишнинг усуллари корхона обрўсини, унинг маҳсулотларига бўлган харидор талабини янада оширмоқда. Ҳозир бу ернинг маҳсулотлари хорижий мамлакатларга юборилмоқда. Мана шу усуллар туфайли завод 1989 йилда 9227 дона компрессор ишлаб чиқарган бўлса, 1990 йилда 10410 дона компрессор тайёрлашни мўлжалламоқда.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг талабгорлари йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Чунки бугунги кунга келиб корхона ишлаб чиқараётган компрессорлар сифатлилиги билан дунё мезони талабларига тўлиқ жавоб бермоқда.

С. МИРСАИДОВА.

Ижарага — пухта замин

◎ **ПОЙТАХТИМИЗНИНГ Фрунзе районидаги ишлаб чиқариш ремонт-эксплуатация бирлашмаси жамоаси сидқидилдан меҳнат қилиб, ўз вазифасини тўла адо этишга эришиб келмоқда.** Корхонанинг моддий-техникавий базасини янада мустаҳкамлашга ҳам муваффақ бўлинмоқда.

Бу йил техникавий хизмат кўрсатиш блоклари сони яна иккитага ортадиган бўлди. Янги устахоналарни бунёд этишга ҳам киришилди.

Яқин орада бошқаришнинг автоматик тармоғи ишга тушади. Бирлашманинг ишлаб чиқариш базаларини қуриш кўзда тутилди. Бу эса зарур эҳтиёж қисмларни кўплаб сақлаш имконини беради. Кўрилаётган бу каби тадбирлар ижара пудратига ўтиш учун пухта замин ҳозирлайди.

А. АКБАРОВ.

Хорижликлардан ўрганишмоқда

◎ **ЎЗБЕКИСТОН ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг марказий павильонида Тошкент атир-упа фабрикасининг ўнлаб хилдаги маҳсулотлари намойиш этилмоқда.**

Корхона 1989 йилда 118 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган бўлса, 1990 йилда ишлаб чиқариш ҳажмини 130 миллион сўмга етказишни мўлжалламоқда. Бу юксалиш, интилиш ва изланиш келажакда бу соҳадаги катта тажрибаларни, хорижий фирмалар эришган муваффақиятларни ўрганишда катта роль ўйнайди.

Д. ҚАЮМОВ.

Сиэтлда йигирма кун

◎ **ТОШКЕНТ қўғирчоқ театри жамоаси 22 майда Океан ортига жўнаб кетди.** Улар Сиэтл шаҳрида 20 кун ва Говай оролларида 20 кун гастролларда бўладилар. Театр жамоаси билан бир қаторда Марат Содиқов бошчилигида мусаввирлар Ч. Аҳмаров, Х. Турдиев, Л. Даватц, В. Чуп, А. Нуриддинов, Ж. Усмонов ва бошқалар ҳам ҳамроҳ бўладилар.

Д. АЪЛОЕВ.

Ахборот маркази

◎ **ИШЧИ ёшларнинг намунали маданий дам олишлари учун бу корхонада қатор қулайликлар муҳайё этилмоқда.** Ҳақиқатан ҳам Тошкентдаги «Миконд» заводи маъмурияти, касаба ва комсомол қўмиталари ёшларнинг ижтимоий масалалари билан яқиндан шуғулланиб, бу соҳада зарур тадбирларни кўрмоқда.

Ёшлар маданий-ахборот марказининг ташкил этилиши корхонада маданий-оқартув ишларини янада ривожлантириш учун қулайликларни яратди. Марказ учун алоҳида хоналар ажратилди.

Ушбу даргоҳ хўжалик ҳисобида фаолият кўрсатмоқда. Дам олиш соатларида марказ йўли билан турли савдо ишлари амалга оширилади. Чаңқовбосди ичимликлар, музқаймоқ билан мунтазам савдо қилинади.

Видеопрограммалар орқали қизиқарли ахборотлар бериб борилади. Бадиий ҳаваскорларнинг чиқишлари ҳам кўзда тутилди.

Ёшлар маданий-ахборот марказини очиш учун олти минг сўмлик маблағ сарфланди.

А. ВАЛИЕВ.

Томошагоҳдаги тадбирлар

◎ **СССР Халқлари дўстлиги музейида ёшларнинг ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясига доир тадбирлар тез-тез ўтказиладиган бўлди.** Кексалар томошагоҳининг очилиши туфайли бу ерда ушбу мавзуда қизиқарли суҳбатлар, турли учрашувларни ташкил этиш учун қулайликларни яратиб берди.

Истеъфодаги офицер П. Чирв томошагоҳ фаолиятига бошчилик қилмоқда. Яқинда бўлиб ўтган биринчи мажлисда уруш кексаларидан С. Аҳмедов, Э. Эгамбердиев, Н. Молдованов ва бошқалар сўзга чиқишиб, томошагоҳ фаолиятини янада яхшилашга қаратилган яхши таклифларни билдирдилар.

Томошагоҳнинг моддий базасини мустаҳкамлаш, уни зарур техника воситалари ҳамда кўргазмали қуроллар билан жиҳозлаш тадбирлари ҳам кўрилди. «Давра суҳбат»ларда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга доир қизиқарли суҳбатларни уюштириш ҳам кўзда тутилди.

С. ОДИЛОВА.

«Оқшом» шарҳи

Ўттиз тийиндан бошланадиган саховат

◎ **ШИФОХОНАЛАР ва поликлиникалар, умуман даволаш муассасаларида 30 тийинлик Қизил ярим ой жамиятининг маркаси сотилади. Бу маркани кўплар чин дилдан олса, айримлар оғриниб, кўнгинча сотиб олишдан бош тортишади? Хўш, нега? Бу маркаларни аҳолига сотишдан мақсад нима? Биз бу ҳақда жумҳурият Қизил ярим ой жамияти ташкилий ишлар бўлимининг бошлиғи Анвар Ёқубхўжаевга мурожаат қилдик:**

*

— Қизил ярим ой жамиятининг бу маркаларини сотиб олиш ихтиёрий бўлиб, тушган маблағ хайрия мақсадларида фойдаланилади. Жумладан, пойтахт область Бўстонлиқ воҳасида бўлган табиий офатда жабрланганларга 40 минг сўм юборган бўлсак, 2 майда Бошқирдистонда бўлган тошқин натижасида 84 аҳоли, яшайдиган марказлар, 4650 уй-жой, 48 кўприкни сув оқизиб кетди. Бу офатдан жабрланганларга эса 10 минг сўм юборилди.

— Маълумки, болалар уйларида тарбияланаётганлар, шунингдек ногирон болалар масаласи анчагина аҳволда. Уларга қандай ёрдам қўлини чўзаяпсизлар?

— Бу масалада ҳам жамиятимиз жамоаси қатор ибратли ишларни амалга оширмоқдалар. Жумладан яқинда пойтахт «Кино уйи»да янги бадиий фильм премьераси бўлди. Бу бадиий фильмнинг режиссёри Ю. Бзаров, сценарий муаллифи А. Галиевлардир. Бош ролларни В. Ёлдошев, Д. Ҳамбарова, К. Муҳаммедова ва бошқалар ижро этишган. Шунга жумҳурият Қизил ярим ой жамиятининг таклифи билан «Кино уйи» маъмурияти мазкур фильм премьерасига 29-болалар уйидан 55 ўғил-қизни таклиф қилди. Бу ҳам ўзига хос хайрия бўлиб, ҳар иккала ташкилот маъмурияти бундай ишни давом эттиришга қарор қилишди.

— Ана шундай болалар учун хизмат кўрсатаётганлар ҳақида ҳам икки оғиз айтиб берсангиз?

— Яқинда Ўзбекистон ЛКСМ қўмитаси билан жумҳурият Қизил ярим ой жамиятининг қўшма қарори тасдиқланди. Бунда жумҳуриятимиздан 100 дан ортиқ ота-онасиз ва ногирон болаларни Бутуниттифоқ «Артек» пионер лагерига дам олиш ва даволашга юборишга қарор қилинди. Куни кеча 20 қорақалпоғистонлик ота-онасиз ўғил-қизлар «Артек»ка жўнаб кетишди. Уларга сарф бўладиган харажатларнинг ҳаммаси жумҳурият Қизил ярим ой жамияти маблағидан тўланади. Яъни 30 тийинлик маркалардан йиғилган маблағлар ҳисобига амалга оширилади. Бу албатта жамиятимиз жамоасининг амалга ошираётган ишлардан бир шингил, ҳолос.

Суҳбатдош Д. ОБЛАЕВ.

ДОРИЛФУНУНЛАР ҲАМКОРЛИГИ

Қоҳирадаги Айн-Шам дорилфунуни билан Тошкент давлат дорилфунуни ўртасидаги алоқалар кўп йиллик танаффусдан кейин қайта тикланди. Мазкур олий ўқув юртлари 70-йилларнинг охирларида СССР ва Миср ўртасидаги муносабатлар ёмонлашганлиги натижасида тўхтаб қолган қадимий алоқаларни тиклаб, кўп томонлама ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги шартномани имзоладилар.

Ҳамкорлик режаларида талабалар ва муаллимларнинг бир-бирларига бориб ўзаро тажриба ўрганишлари, илмий адабиётлар ва ахборотлар алмашиш, Ўзбекистон ва Миср илмий муассасаларида сақланаётган қўлёзмаларни биргаликда ўрганиш назарда тутилади. Тошкентлик муаллимлар Қоҳира дорилфунунида геология, экология, ўзбек тили ва адабиёти, физика, математика фанларидан лекциялар ўқишади. Қоҳиралик муаллимлар эса Тошкентда араб адабиёти ва тилидан дарс беришади. Шу йилнинг ўзидеёқ дорилфунунда бирбирларига иш ўрганиш учун мутахассислар юборишади.

Айн-Шам дорилфунуни олимлари Ўзбекистон илмий жамғармаларида сақланаётган қадимий қўлёзмаларга, айниқса, катта қизиқиш билан қарамоқдалар. Араб тилида битилган 20 мингдан кўпроқ қўлёзма ноёб ҳисобланади. Тошкент давлат дорилфунунининг олимлари ва мутахассислари шартномага биноан Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Шарқшунослик институтида сақланаётган Шарқ қўлёзмалари мажмуаси 11 жилдини ўзбек ва рус тилларидан араб тилига ўгириб беришга ёрдам берадилар. Ўзбекистон билан Миср Араб Республикасидаги бошқа ўқув юртлари ўртасида ҳам алоқалар кенгайиб бормоқда. Тошкент политехника институти яқин кунларда Ал-Миний дорилфунуни намояндаларини қабул қиладн, у мазкур дорилфунун билан ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани имзолаш ниятида деб хабар берди ЎзТАГ мухбири И. Гребенюк.

⊙ ТОШКЕНТ шаҳрида унинг территорияси радиацияси ифлосланганми-йўқми эканлиги ўрганиб чиқилди. Ленинграддан келган Нева геология ишлаб чиқариш бирлашмасининг 30-геофизик туркуми вакиллари Тошкент бўйлаб вертолётда текширишлар ўтказишди. У 15-20 метргача аниқликда, ҳар юз метр оралатиб шаҳар территориясининг радиация ҳолатини ўрганди. Натижа шуни кўрсатдики, Тошкент шаҳрининг радиацион ҳолати умуман рисоладагидек, аммо баъзи четга чиқишлар бор экан. У саноат корхоналарининг фаолияти билан боғлиқ бўлиб чиқди. Бу ҳақдаги маълумотлар санитария-эпидемиология станциясига ва республика граждан мудофаси штабига берилди. Улар бу нуқсонларга барҳам бериш чораларини кўрадилар.

СУРАТДА: етакчи геофизик Николай Глинский олинган маълумотларни кўздан кечирмоқда.

А. Кошкин сурати. (ЎзТАГ).

Иш билан бандлик

КАСАНАЧИЛИК РИВОЖ ТОПСИН

ИШ БИЛАН бандлик масаласи жумҳуриятимиз пойтахтида ечимталаб муаммолардан бири сифатида тан олинган. Тошкент шаҳар ижроия комитети қошида махсус комиссиянинг ташкил этилиши, жумҳурият вазирлар кенгашининг «Иш билан бандлик» бўйича алоҳида дастур қабул қилганлиги бугунги кунда мазкур масалага қаратилаётган эътиборнинг нишонасидир.

Тошкент — асли йирик саноат шаҳри ҳамдир. Бир қарашда шунча ишчи кучига эга корхоналар мавжуд бўлган жойда ишсизликнинг бўлиши ақлга сиғмайдигандек туюлади. Лекин қанчалик ишонманг, бу ҳол мавжуд.

Маълумки, Ўзбекистон аҳолиси жуда тез ўсаётган ва меҳнат ресурслари билан эҳтиёждан кўпроқ таъминланган минтақа ҳисобланади. Охирги ўн йилликда бу ерда меҳнат ресурслари 36,0 фоизга ёки йилига ўрта ҳисобда 3,2 фоизга кўпайди. Ҳар йили меҳнат ресурслари сафига бир неча юз минг ёшлар келиб қўшилмоқда. Бу аҳвол ишчи кучларидан фойдаланиш муаммосини янада ўткирлаштириб юбораяпти. Туб ерли аҳолининг миллий хусусиятлари ва демографик шароит ҳисобга олинмаганлиги, хўжалик юритишдаги ва режалаштиришдаги жиддий камчиликлар вужудга келган кескин вазиятнинг асосий сабабларидир.

Яна шуни айтиш керакки, узоқ йиллар давомида маҳаллий шароит ҳисобга олинмасдан ишлаб чиқариш қувватлари зўр бериб ривожлантирилди. Лекин ташкил этилган корхоналар учун маҳаллий мутахассислар ва ишчилар тайёрлаш йўлга қўйилмади. Натижада жумҳуриятда 700 мингга яқин меҳнатга қобилиятли аҳоли бўла туриб, бошқа жойлардан кадрлар ишга жалб қилина бошлади. Айнан шу иш билан банд бўлмаган аҳолининг сони йилдан-йилга ўсишига сабаб бўлди. Устига-устак 13-беш йилликда жумҳуриятимизда, шунингдек пойтахтда меҳнат ресурсларининг тез суръатда ўсиши кутилмоқда. Ахир бу ҳам яқин кунларда ниҳоятда кескин муаммолар пайдо бўлишининг далолати эмасми?

Биринчи навбатда аҳолини иш билан таъминлаш масалалари иҗтимоий ишлаб чиқаришнинг тармоқ таркибини оқилона ўзгартириш, мулкчиликнинг бир қатор шаклларини қўллаш орқали ҳал этилиши лозим. Меҳнат ресурсларини иш билан таъминлашни яхшилаш учун давлат корхоналари билан бир қаторда тижорат ва ширкат корхоналарни, якка тартибдаги меҳнат фаолиятини ва касаначиликни ривожлантириш зўр омил саналади. Саноат корхоналари ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларига қарашли давлат мулкини ижарага беришга катта эътибор бериш лозим.

Шу ўринда жуда катта муаммо бўлиб турган қуйидаги масалага алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. Бу масала аёллар ва ёшлар меҳнатидан фойдаланиш вазифасидир. Аёллар ва ёшлар ишламаётган бирор бир тармоқни топиш қийин. Ҳозир жумҳуриятимиз ишчи ва хизматчиларининг 43 фоизини аёллар ташкил этади. Ёшлар салмоғи ҳам анчагина кўрсаткични ташкил этади. Аёлларнинг иш билан бандлиги айниқса тез суратлар билан ўсмоқда. Масалан, охирги 17 йил ичида бу кўрсаткич икки баравар, Иттифоқда эса 1,3 баравар ошди.

Лекин шуни айтиб ўтиш керакки, жумҳуриятимизда иш билан банд бўлмаган меҳнатга лаёқатли аҳолининг анчагина қисмини кўп болали аёллар ташкил этади. Мамлакатимиздаги кўп болали аёлларнинг учдан бир қисми бизнинг жумҳуриятимизда истиқомат қилишади. Фақат Тошкент вилояти ва шаҳрида жумҳуриятимиздаги кўп болали аёлларнинг 10 фоизидан кўпроғи яшайди.

Ҳозир жумҳуриятимизда кўп болали аёлларнинг деярли 65 фоизи, Тошкент шаҳрида 60 фоизи ишлаб чиқаришда иштирок этади. Шу муносабат билан бир савол туғилади: бу аёлларни ишлашга қандай сабаблар мажбур қилади? Ҳамма ерда кўп болали оилалардаги аёлларнинг муаммолари бир хил бўлса керак. Шунинг учун, Наманган вилоятининг саноат корхоналарида меҳнат қилаётган кўп болали аёллар ўртасида ўтказган тадқиқотларимиз натижаларини келтириб ўтишни лозим топамиз. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, уларнинг 58,8 фоизи моддий сабабларга кўра ишлашади. Яъни оила даромадини ошириш учун. Ишлаб чиқаришда ва жамоат ишларида фаол қатнашиш истагида ишлаётганлар эса атиги 18,6 фоизни, фуқаролик бурчини адо этиш истагидагилар — 14,5 фоизни, оила ва уй-рўзғор ишлари билан ўралашиб қолмаслик истагидагилар — 6,7 фоизни ташкил этади.

Аёлларнинг ишлаб чиқаришда ўта бандлиги қандай нохуш натижаларга олиб келаётганлиги мамлакатда болалар ва ўсмирлар ўртасида жиноятчиликнинг ўсиб бораётганлигида ҳам кўриниб турибди. Сўнгги бир йил мобайнида Иттифоқ миқёсида болалар ўртасида жиноятчилик 21,2 фоизга ўсди. Ҳар бешта оғир жиноятнинг биттаси ўсмирлар томонидан содир этилди. 1989 йилда ёши 14—15 дан ошмаган деярли 61 минг бола жиноий жавобгарликка тортилганлиги кишини ташвишга солмай қўймайди. Шунинг учун аёлларнинг иш соатларини қисқартириш ва уларга ишлаш учун қулай шароит яратиб бериш, яъни меҳнат фаолиятининг ҳар хил усулларини, биринчи навбатда, касаначиликни кенг ривожлантириш аёллар меҳнатидан фойдаланиш соҳасидаги кечиктирилмай ҳал қилиниши керак бўлган асосий муаммолардан ҳисобланади.

Ҳозир жумҳуриятимизда касаначилар сони 29 мингни ташкил этади. Уларнинг деярли 95 фоизи аёллардир. Жумҳуриятимизда кенг имкониятлар ва катта талаб бўлишига қарамасдан меҳнат фаолиятининг бу усули яхши ривожланмаяпти. Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатдики, касаначиликдан ҳозир асосан маҳаллий саноат корхоналарида кенг фойдаланилади, холос. 1989 йилда саноатнинг бу тармоғида касаначилар сони 20 мингдан ошди. Улар ўтган йилда 77 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардилар. Касаначилар ишлаб чиқарадиган маҳсулотлар жуда хилма-хил. Тошкент шаҳрида касаначиликни яхши ташкил этган корхоналардан бири «Шарқ гули» фабрикасидир. Бу ерда 1000 дан ортиқ касаначи аёллар меҳнат қилишади. Улар халқимизнинг авлоддан-авлодга ўтиб келаётган — сўзана, палак, дорпеч, кирпеч каби миллий буюмларини ишлаб чиқаришади. Булардан ташқари чойшаб, кўрпа, ёстиқ жилдлари, дўппи, болалар кийимлари, аёллар ички кийимлари ва шунга ўхшаш халқ истеъмоли моллари тайёрлашади.

Пойтахтимизда ишга лаёқатли меҳнат ресурсларининг деярли 25 фоизи ишлаб чиқаришда иштирок этмайди. Айтиб ўтганимиздек, уларнинг аксарият қисмини болали аёллар ташкил этади. Шаҳримизнинг Акмал Икромов ва Октябрь районларида аҳолининг жуда зич жойлашгани ҳаммамизга маълум. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, юқорида айтилган 25 фоиз ишламайдиган аҳолининг кўпчилиги шу районларда истиқомат қилади. Бу ерда асосан маҳаллий миллат вакиллари яшайди. Уларни иш билан таъминлаш масалалари ҳал этилаётган вақтда биринчи навбатда ана шу аҳолининг миллий хусусиятлари ҳисобга олиниши керак. Уларнинг талабларидан, лаёқатларидан ва имкониятларидан келиб чиқиб иш жойлари ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Бу ерда касаначилик цехларини ташкил этиш аҳолининг иш билан бандлигини оширишда катта роль ўйнаши мумкин. Касаначиликни тарғиб қилишда ва уни ривожлантиришда маҳалла комитетлари, айниқса маҳаллалардаги хотин-қизлар кенгашлари фаол иштирок этишлари керак. Ташкил қилинган цехларда ишлашни истаган аёлларни касбга ўргатишни йўлга қўйиш зарур.

И. МУЛЛАЖОНОВ,
Ўзбекистон ССР Давлат план комитети иқтисод ва нормативлар илмий-текшириш институти илмий ишлар бўйича директор ўринбосари.

Д. ОРТИҚОВА,
илмий ходим.

Шогирд эди, устоз бўлди

ҲАЁТДА нималар бўлмайди дейсиз? 1922 йилдан бери КПСС аъзоси, кекса ишчи Ўриной опа Абдуллаева фарзандининг троллейбус ҳайдовчиси бўлишини хаёлига ҳам келтирмаган эди. Онаизор ўғлини ўқимишли қилиш, келажакда олим бўлишини дилдан орзу қиларди. Лекин Мелиснинг Т. Шевченко кўчасида жойлашган троллейбус депоси кадрлар бўлимига ҳужжат топшириши оила аъзолари учун кутилмаган ҳол бўлди. «Начора. Шу касбни танлабди, майли ишласин», — тасалли берди она ўзига. Авариясиз юрувчилар мастери М. Носиров, Р. Забировалар баланд бўйли йигитга троллейбус бошқариш сирларини эринмай ўргатдилар.

Шогирдлик йилларининг ортда қолганига чорак аср бўлди. Эндиликда Мелис Бакирхўжаевнинг ўзи устоз. Ҳар йили махсус ўқув машинасида 15—16 ёш талабага мураккаб касб — ҳайдовчилик сирларини амалда ўргатади. Унинг шогирдлари Собир Содиқов, Нурмат Орипов, Анвар Тўхтасинов, Геннадий Мишеряковлар турли маршрутларда троллейбусни чапдастлик билан бошқармоқдалар.

Биз Мелис акани Шимоли-Шарқ даҳаси — Калинин майдони орасида қатновчи 18-троллейбус маршрутининг 3141-номерли ўқув машинасида учратдик. У бир гуруҳ ёш ҳайдовчиларга машинани хавфсиз бошқариш қоидаларидан сабоқ берар эди. Вақтлар қеладики, бу ёшлар ҳам маршрут машъаллари Р. Ҳабибуллаев, З. Хисматулин, Л. Шербинина, Р. Тошпўлатовлар сафидан ўрин олишади.

Ф. АБДУРАҲИМОВ,
Т. БРОВКИНА.

Биродарлик алоқалари

ЎТГАН йили май ойида Тошкентда бўлиб ўтган СССР ва АҚШ биродарлашган шаҳарлари мэрларининг биринчи учрашуви пайтида АҚШнинг Гринсборо шаҳри вакиллари ўзаро дўстлик ва иқтисодий алоқаларни ўрнатиш тўғрисида шартнома тузган эдилар. Ушбу шартномага биноан, шу йилнинг 22—29 мартида Гринсборо шаҳрида ҳафталик ўтказилди. Ҳафталик тадбирларида иштирок этиш учун тўрт кишилик делегация Америка шаҳрида бўлди.

Ҳафталик давомида ўзбекистонлик меҳмонларни Шимолий Каролина штатидан бўлмиш конгрессмен жаноб Ковбе ҳукумат уйида қабул қилди.

Аҳолиси 280 минг кишидан иборат бўлмиш Гринсборо шаҳрида ўзбекистонлик меҳмонлар маҳаллий университет қошидаги музей-галереяга ташриф буюришди, ҳаваскорлардан тузилган чолғу оркестрининг концертини томоша қилдилар. Бундан ташқари меҳмонлар маҳаллий черковга, мебель фабрикасига, тижорат студиясига бордилар. Телевизион студияда эса ўзбекистонлик меҳмонлар иштирокида эшиттириш тайёрланди.

Шаҳар мэри жаноб Нуссбаум ўзбекистонлик меҳмонларни ўз уйида қабул қилиб, тўқув фабрикаси, шаҳар тозалаш иншоотлари, ўрта мактаб, қора танлилар учун мўлжалланган университет, ногирон ва жисмоний камчилиги бор болаларга мўлжалланган уйларни бориб кўришга ёрдамлашди. Ўзбекистонлик меҳмонлар америкалик шаҳар билан биродарлашган алоқаларини кенгроқ мазмунга бойитиш мақсадида, алоқаларни нафақат маданий соҳада, балки иқтисодий соҳада ҳам ривожлантиришга интилдилар. Жумладан, ҳамюртларимиз Гринсборо шаҳар кенгаши мажлисида қатнашиб, бу шаҳарнинг кўзга кўринган бизнесменлари билан учрашдилар.

О. РУСТАМОВ,
Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамиятининг бўлим мудири.

Имтиёз берадиган марказ

«ЭЛЕКТРОНИКА» ўқув марказини тузишда Тошкент Давлат дорилфунуни ва Тошкент политехника институтининг етакчи олимлари яқиндан туриб амалий ёрдам кўрсатган эдилар. Эндиликда бу марказ умумтаълим мактабларининг физика ва математикага ўта қизиқувчи юқори синф ўқувчилари учун чинакам билим ва маҳорат даргоҳига айланиб қолди.

Шаҳримиздаги 114, 140-ўрта мактабларнинг бир неча иқтидорли ўқувчилари марказнинг доимий қатнашувчилари ҳисобланадилар. Ёш физик ва математиклар билан ўтилаётган машғулотларни олиб боришда олий ўқув юртлари ўқитувчилари фаолият кўрсатмоқдалар. Институт лабораторияларида уюштирилаётган амалий машғулотлар толиби илмларни фанларнинг қатор янгиликлари билан қуроллантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Тошкент политехника институти механика участкасида улар турли амалий чизмаларни тузиш билан машғул бўлмоқдалар. Радиотехника участкаси эса радиотехника схемаларини йиғиш малакасини ҳосил қилишда тажриба марказини вазифасини ўтамоқда. Шунингдек, электрон-ҳисоблаш машиналари билан «тиллашиш» имкони туғилмоқда. Болалар ҳар хил тилли программаларни ўзлаштириш билан ҳам машғул бўлмоқдалар. Институт кутубхонаси орқали эса компьютер саводхонлигига доир адабиётлар билан яқиндан танишиш мумкин.

«Электроника» ўқув маркази машғулотларига фаол қатнашиб, билимларни пухта эгаллаган ҳамда етарли амалий кўникма ҳосил қилган толиби илмлар Тошкент Давлат дорилфунуни физика-математика, Тошкент политехника институти радиоэлектроника ва автоматика факультетларига кириб ўқишлари учун имтиёзли ҳуқуққа эга бўладилар.

А. АЛИЕВ.

Туя кўрдингми, йўқ...

АКМАЛ Икромов районидаги Садоқат ва Пешқадам кўчалари канализация қувурларини ўтказиш учун қазиб ташланганлиги туфайли ночор аҳволга келиб қолди. Кизиги шундаки, бир кўчада ишни бошлаб, охирига етказиб улгурмаган қувурчилар, иккинчи кўчанинг ҳам файзини бузишди. Бу ерда кавланган жойлар ярим-ёрти ҳолида қолиб кетди.

Аввалларн иккала кўчага ҳам «Автодормехбаза»нинг машиналари жуда кам — 10 — 15 кунда ёки ойда бир марта қатнарди. Шу боисдан ҳам аҳоли уй чиқиндиларини жуда бўлмаганда тун тушиши билан мактаб ҳовлисидаги сунъий «ахлатхона»га ташлар эди. Ҳозир эса уларнинг иши енгиллашди — узоққа қатнамай, шундоққина эшиклари олдидаги қазилиб ташланган ўраларни тупроқ ўрнига ахлат ва бошқа чиқиндилар билан тўлдира бошладилар.

Бугунги кунда хайрли иш қилиш осон гап эмас. Аммо маҳалла аҳли бунинг уддасидан чиқди. Канализация қувурларни учун кавлаб ташлаб кетилган жойни чиқиндилар билан тўлдиришни йўлга қўйди. Бу билан қурувчиларнинг ҳам, «Автодормехбаза»нинг ҳам иши бирмунча енгиллашди. Аммо бир нарса таажжублантиради: кўчага ахлат тўкканлик учун жарима солинади. Лекин бутун бошли иккита кўчанинг ахлатхонага айланиб бораётгани билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Маҳалла фаоллари ҳам жим. Туя кўрдингми, йўқ. Қизиқ, улар яна қачонгача сукут сақлашаркин?

Э. ЗАЙНУТДИНОВА.

Сартарошхона битадими?

КИРОВ районидаги Ишчилар шаҳарчасида илгари учта сартарошхона бўларди.

Ҳозирга келиб уларнинг иккитаси қолган, холос. Яъни бири Киев кўчасида, иккинчиси Ишчилар шаҳарчаси марказида. Бундан уч ой илгари Аҳмад ошпаз бекатидаги сартарошхона талабга жавоб бермагани учун бузиб, катта қилиб қурилмоқчи эди. Афсуски, бошланган бу қурилишнинг ниҳоясидан ҳеч дарак йўқ. Ваҳоланки, пойдевори қурилганига ҳам анча вақт бўлиб қолди.

Ишчилар шаҳарчасининг марказидаги сартарошхона ҳам беркилиб ремонтга тушибди. Ҳолбуки, бу ерда ахир 50 мингдан ошиқ аҳоли яшайди. Буларнинг ярмиси эркаклар, ўғил болалар. Шунча одам яшайдиган шаҳарчада ҳозир бирорта ҳам сартарошхона йўқлигини тасаввур қилиб кўринг-а?! Ким бизга ёрдам беради?

А. НАБИХЎЖАЕВ,
пенсионер.

«Тошкент оқшоми»га жавоб берадилар

«ДОРИ ҚИДИРИБ»

«Тошкент оқшоми» рўзномасининг шу йил 26 апрель сонида ана шу сарлавҳа остида босилган танқидий мақолада аҳолининг ўзига зарур бўлган айрим дори-дармонларни топилмай сарсон бўлаётгани аниқ мисолларда тилга олинган эди.

Бу мақола текширишга юборилиб, унга Тошкент шаҳар «Фармация» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори А. Мўминов имзоси билан жавоб хати олинди. Унда жумладан шундай дейилади:

— «Тошкент оқшоми»нинг 1990 йил 26 апрель сонида берилган «Дори қидириб» мақоласи дорихона ходимларининг кенгайтирилган йиғилишида муҳокама этилди.

Аҳолини дори-дармонлар билан таъминлаш масаласи ҳозирги кунда ўта муҳим ижтимоий муаммолардан бири бўлганлиги сабабли Иттифоқ Олий Совети томонидан тузилган давлат комиссияси мажлисида кўрилиб, муҳокама қилинди.

Комиссия хабар қилганидек, Кировоград комбинатида хлорсульфон кислотасини ишлаб чиқариш цехининг беркитилиши анальгин, амидопирин асосида тайёрланадиган 23 хил бош оғриғи дориларининг қисқариб кетишига сабаб бўлди. Натижада 1989 йили шартномалар тузилишига қарамай, дори-дармон етказиб берувчи корхоналар томонидан 40 минг ўрам бош оғриқ қолдирувчи дори турлари ва 91 килограмм анальгин кукуни етказиб берилмади. 1990 йили бош оғриғи учун ишлатиладиган дориларга талаб 11 минг ўрам ўрнига 6049 ўрам миқдорида қондирилди, холос. У ҳам асосан III—IV кварталларда етказиб берилади.

Шунга қарамасдан, бирлашма дорилар омборхонасига талабнома асосида тушган 1 миллион ўрамдан ортиқ ҳар хил бош оғриқ дорилар — аскофен, цитрамон, баральгин, спазмольгон ва бошқалар дорихоналар ва шифохона муассасаларига тарқатилди.

Аҳолини дори-дармон билан таъминлаш маъмурият ва бўлим бошлиқлари томонидан доимий назорат этиб турилибди».

НАЗОРАТСИЗЛИККА ГОВ

⊙«Тошкент оқшоми» рўзномасининг шу йил 3 май сонида жумҳуриятимиз Министрлар Советининг халқ истеъмоли молларининг бир қанча турларини Ўзбекистон ССРдан ташқарига олиб чиқиб кетишга гов қўйиш мақсадида, деб хабар қилади Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрининг ўринбосари, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ички ишлар бошқармасининг бошлиғи Ж. Ю. Камолхўжаев, чора-тадбирлар режаси тузиб чиқилди. Унга мувофиқ район ички ишлар бўлимлари бошлиқларининг ўринбосарлари бошчилигида ички гуруҳлари ташкил этилди. Давлат автоинспекцияси пунктларида БХСС, ГАИ ва санитария милицияси ходимлари кечаю-кундуз навбатчилик қилиб турибдилар. Мунтазам текширишлар ўтказиляпти. Шу жумладан шаҳарлараро кенг истеъмол моллари, хом ашё ва материалларни ташиш ишларини амалга оширадиган ширкатларда ҳам мунтазам текширишлар олиб бориляпти.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг Ички ишлар бошқармаси кўрган тадбирлар натижасида шу йил 23 апрелидан 11 майгача 85 киши ушланди. Улар 269 минг сўмликдан зиёд турли молларни 80 та машинада қонунсиз суратда ташқарига олиб чиқиб кетишга уринаётган пайтларида ушландилар. Бу моллар савдо тармоқларига сотиш учун топширилди. Бу моллар, жумладан, 86,4 минг сўмлик озиқ-овқат молари, 67,4 минг сўмлик қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, 34 минг сўмликдан зиёд саноат моллари 73 минг сўмликка яқин қурилиш материаллари, хўжалик ва бошқа моллардир. Молларни Ўзбекистон ССРдан ташқарига олиб чиқиб кетишдаги назоратсизликларга ана шундай гов қўйилмоқда.

Хориждан хабарлар

⊙ ВАШИНГТОН. Демократик ўзгартишлар юз бераётган Шарқий Европа мамлакатларини нохуш иқтисодий муаммолар кутмоқда. Бу нарса шу мамлакатлар аҳолисидан узоқ йиллар мобайнида ишсизликнинг кўплиги ва товарларнинг етишмаслиги билан муроса қилишни талаб этади. Америка конгресси бирлашган иқтисодий комитети тарқатган АҚШ марказий разведка бошқармасининг докладида шундай башорат қилинган. Ҳужжатда уқтирилишича, бу аввало марказлаштирилган планли иқтисодиётдан бозорга мослашувчи системага ўтиш билан боғлиқдир.

Шарқий европаликлар ислоҳотлар йўлидан боришда қатъият ва мардлик намуналарини кўрсатганликларига қарамай, регионда сезиларли иқтисодий ўсиш ва турмуш даражасининг яхшиланиши камида бир неча йиллардан кейин юз беради. Бундай башорат, муаллифларнинг фикрича, шу мамлакатлар иқтисодиётидаги ҳозирги аҳвол: «суст иқтисодий ўсиш ёки турғунлик, ишлаб чиқариш даражасининг пасайиши, эскириб қолган технологияларга асосланган оғир саноатнинг жуда кўп энергия сарфлаши, катта ташқи қарз, товарларнинг ёмон сифати ва жаҳон бозорида рақобат қилолмаслиги, кенг экология муаммолари ва нуроб боравётган инфраструктура», шунингдек бошқа кўпгина кўрсаткичларга асосланган.

⊙ МАНАГУА. Никарагуа ҳукумати меҳнат министри Франсиско Росалесни иш ташлаган давлат хизматчилари билан музокаралар олиб боришдан четлаштириш ва бу вазифани президент ҳузуридаги министр Антонио Лакайо ва ички ишлар министри Карлос Уртадо зиммасига юклашга қарор қилди.

Никарагуа президенти Виолетта Барриос Де Чаморро ҳукумат аъзолари билан учрашув чоғида шундай қарорга келди. Бу учрашувда иш ташлаш ҳаракати кенгайиши натижасида мамлакатда вужудга келган вазият таҳлил этилди. Меҳнат министри Ф. Росалес иш ташлашни ғайриқонуний деб эълон қилиб, унинг қатнашчиларини ишдан бўшатиш билан қўрқитмоқчи бўлди. Шундан кейин иш ташлаш миқёслари кенгайиб, мамлакат амалда ташқи дунёдан ажралиб қолди.

⊙ ЛОНДОН. Британия лейбористлари ҳамон ҳукмрон консерватив партияга нисбатан анча, яъни 18 фоиз машҳурроқ бўлиб қолаяпти. Бироқ кейинги тўрт ҳафта ичида уларнинг тарафдорлари олти фоиз камайди. Ай—Си—Эм ҳизмати «Гардиан» газетаси учун ўтказган навбатдаги жамоатчилик фикрини сўраб билиш натижалари шуни кўрсатди. Бу натижаларга кўра, фикри сўралганларнинг 50 фоизи лейбористларни, 32 фоизи торилларни, саккиз фоизи эса либерал демократларни қўллаб-қувватлади. Консерваторларнинг тарафдорлари бир ой аввал қанча бўлса, шунчалигича қолди, либерал-демократлар партиясининг машҳурлиги эса икки баравар ошди.

«Гардиан» бу ўзгаришлар сабабини жамоатчилик фикрини сўраб билиш бутун Буюк Британияда ҳокимият маҳаллий органларига сайлов бўлганидан атиги бир ҳафта кейин ўтказилганлиги билан изоҳламоқда. Бу сайловда қуйи даражада доимо анча муваффақият қозониб келган либерал демократлар бир қанча яхши натижаларга эришган эдилар.

⊙ УЛАН—БАТОР. Монголия Халқ Республикасининг олий суди бу ерда кучга кирган сиёсий партиялар тўғрисидаги қонунга тўла риоя этиб мамлакатда сиёсий партияни расман рўйхатга олиш тўғрисида дастлабки қарорни қабул қилди. Биринчи бўлиб Монголия Халқ Революцион партияси — МХРП рўйхатга олинди, деб хабар қилади бугун «Унэн» газетаси.

МХР олий судининг граждалар иши коллегияси қарори қилган қарорда МХРП 1921 йилда халқ революциясига раҳбарлик қилгани ва ўшандан буён монгол халқининг туб манфаатларини изчиллик билан ҳимоя қилиб келаётганлиги таъкидланган. Илгари у Монголия халқ партияси деб аталарди, кейин унга бошқа ном берилди ва шу ном билан рўйхатга олинди.

Монголия халқ революцион партияси илгари йўл қўйилган хатоларни рўйрост тан олиб ва улардан принципиал хулосалар чиқариб, ўзини ўзи янгиламоқда. Унинг сафларида 90 мингдан зиёд аъзо бор, деб таъкидланади МХР олий суди қабул қилган қарорда.

⊙ КАНБЕРРА. Тинч океанининг жанубий қисмидаги ядросиз зона тўғрисидаги шартномага

Келажагимиз—мактабда

ЭРТАНГИ КУНИМИЗНИНГ БАХТИ

Республикамизнинг миллий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий тараққиёти бевосита мактаб билан боғлиқ. Бу Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети «Келажагимиз — мактабда» Мурожаатномасининг негизини ташкил этади. Ана шу даъват асосида рўзномамизда халқ таълимининг муаммолари, ечимлари, истиқболлари билан боғлиқ туркум мақолалар эълон қилиниши режалаштирилди. Бу кенг, ошкора мунозарага маорифчилар билан бирга фан, адабиёт ва санъат намояндаларн, ота-оналар, турли ташкилотлар мутасаддилари, жамоатчилик вакилларини жалб қилиш ниятидамиз.

Бугун Ўзбекистон ССР халқ таълими нозирининг ўринбосари, Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармасининг бошлиғи Ҳамидулла Қаюмович ИЎЛДОШЕВ билан мухбиримизнинг шу мавзуда ўтказган суҳбати эътиборингизга ҳавола қилинмоқда.

— Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «Келажагимиз — мактабда» Мурожаатномасида шундай жумла бор: «Бугунги кунда Ўзбекистонда ҳар саккиз мактабдан биттаси авария ҳолатида эканлиги, мактабларнинг 70 фоизида болалар икки, ҳатто уч сменада ўқишаётганини кўриб виждонимиз ўртанмай, изтироб чекмай бўладими?..» Шу нуқтаи назардан шаҳримизда мактаблар қурилишини, ўқувни бир сменада олиб боришни ва куни узайтирилган группаларни ташкил этишни жадаллаштириш мумкинми?

— Тошкент шаҳрида 276 та умумий таълим мактаби (289 минг ўрнили) бўлиб, унда 314 минг ўқувчи таҳсил олмоқда. Ҳозирги кунда 86 минг ўқувчиларимиз 217 мактабда икки сменада ўқияпти. Эллик фоиздан ортиқ мактабларимиз 1940—50 йиллардаги лойиҳа асосида қурилган бўлиб, уларда ўқишни фан кабинетлари усулида олиб бориш кўзда тутилмаган, ошхона ва тиббиёт хоналари ҳисобга олинмаган. Шуларни ҳисобга олиб 1991—1995 йилгача мўлжалланган «Мактаб ва болалар боғчаси қуриш режалари» ишлаб чиқиб ҳавола қилинди. Бу лойиҳада 84,3 минг ўринли мактабларда ўқишни бир сменада ўқитиш учун мослаштирилган бинолар қуриш кераклиги кўрсатилган.

Ўтган йили 6 та янги мактаб, ишлаб турган 8 та мактабга қўшимча бино, жами 11,6 минг ўринли мактаб бинолари қурилди. Мана шу суръат билан мактаб қурилишини олиб борсак 7 йилдан кейин, агар аҳолининг ўсишини ҳисобга олганимизда 11 йилдан кейин ҳамма мактабларимизни бир сменага ўтказа оламиз. Бу борада шуни ҳам айтиб ўтиш ўринлики, шаҳар ижроия комитетининг қарорига асосан 1991—1995 йилларда 69 минг ўринли мактаб қурилиши белгиланган, 1990 йилга белгиланган 13440 ўрин ўрнига 9512 ўринли 9 та мактаб қурилмоқда.

Ҳар бир мактабнинг қурилиш баҳоси Киев, Кишинёв, Волгоград шаҳарларида қурилаётган шу турдаги мактаблардан 300—400 минг сўм арзон. Қардошларимиз шаҳарларида қурилган мактабларнинг коридорлари кенг, поллари паркетдан, синф эшиклари дуб ёғочидан, томлари шиферли, ёпиқ сузиш ҳавзаларига эга. Шунингдек, янги қурилиб топширилаётган мактаблар бу шаҳарларда капитал қурилиши бошқармаси томонидан тўла-тўкис жиҳозланиб топширилмоқда. Тошкент шаҳрида эса бу ишлар маориф ходимлари томонидан бажарилаяпти ва катта қийинчиликлар келтириб чиқаряпти.

— Меҳнат фаолларида оталиқдаги мактабларга таъсирчан самарали ёрдам кўрсатиш қандай олиб бориляпти? Бу борада халқ депутатлари ёрдам беришаяптими?

— Дарҳақиқат, ҳозирги кунда оталиқ мактабларининг ёрдамисиз мактаб ҳаётини тасаввур қилиш қийин. Халқ таълими муассасаларининг ишларини яхшилашда ва унинг моддий базасини бойитишда оталиқ ташкилотлари, район ижроия қўмиталари, депутатлар катта ёрдам беришмоқда. Ўтган йили мактабларни янги ўқув йили ва қишга тайёрлаш учун Куйбишев район ижроқўми 1 миллион 70 минг сўм, Киров район ижроқўми 853 минг сўм, Октябрь район ижроқўми 924 минг сўм, С. Раҳимов район ижроқўми 892 минг сўм, Чилонзор район ижроқўми 397 минг сўм қўшимча маблағ ажратдилар. Айниқса яхши ёрдам бераётган оталиқ ташкилотларидан Ильич номли завод, Тошкент автоматика заводи, эталон заводи, Тошкент трактор заводи, 2512-автокорхона, Сув хўжалиги нозирлиги, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тиқувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси, Тошкент асбобсозлик заводи ва бошқалар. Аммо, ҳамма оталиқ ташкилотлари ҳам халқ таълимига яқиндан ёрдам бераётгани йўқ.

Халқ таълими муассасаларига оталиқ ташкилотлари бераётган ёрдамни мактабларга бир текис етказишда ва ҳар бир оталиқ ташкилотининг мактабга ёрдамини яхшилашда Киев шаҳри ва Ленинград ижроқўмининг амалга ошираётган ишлари намунали-дир. Бу иш тажрибасини бизда ҳам жорий қилинса ёмон бўлмас эди. Бу шаҳарлар ижроқўмлари қароригa асосан, ижроқўмда ташкил этилган корхона раҳбарлари кенгаши ташаббуси билан ҳар бир корхона район халқ маорифи бўлимида очилган махсус ҳисобга халқ таълимини ривожлантириш учун соф даромадидан белгиланган фоизда маблағ ажратади. Бу маблағлар халқ таълими муассасаларини ривожлантиришга, ремонт қилишга асосли эҳтиёж бўйича тақсимланиб ишлатилади. Бундан ташқари, ҳар бир ташкилот белгиланган миқдорда ўқув муассасаларининг талабини тўла қондирадиган миқдорда қурилиш материаллари ажратиб беради. Юқоридаги ишларни ҳар бир район ижроқўми амалга оширсалар, халқ депутатлари маорифига яқиндан ёрдам берсалар мактабларимиз ўз вақтида янги ўқув йилига тайёр бўлар, шу билан бир қаторда уларнинг моддий базаси мустаҳкамланиб, ўқув-тарбия ишларига ижобий таъсир кўрсатган бўлар эди.

— Бугунги мактаб ўқувчилари келажакда ишлаб чиқаришдаги яратувчи инсонлар эканлигини ҳис этган ҳолда, уларнинг ҳар томонлама саводли ва ҳунар-касб эгалари бўлиб етишишлари учун қандай ёрдам кўрсатилмоқда? Уларга янги, қизиқарли тушунарли, чиройли, энг замонавий дарсликлар ва бошқа ўқув қуроллари тайёрлаш борасида қандай тадбир белгиланди?

— Бугунги кунда мактаб ҳақиқатан ҳам келажагимизни шакллантираётганини чуқур ҳис қилган ҳолда, Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси қошидаги ижодий ишларни ҳаётга тадбиқ қилиш кенгаши бир қатор мактаблар ташаббусини ўрганиб чиқиб, 282, 286, 27, 182-мактабларга эстетик тарбия, 90, 115-мактабларга иқтисодий янги режада ишлайдиган, 42, 246-мактабларга синов майдончалари мақомини берди. Кенг кўламда юритиладиган тажриба ишлари фанларни махсус чуқур ўрганадиган синфлар очиш имкониятини яратди. Ҳозирги вақтда шундай синфлар 179 та мактабда очилган.

Шаҳримиздаги 16 та мактабда чет тиллар: яъни араб, хитой, ҳинд, урду, француз, инглиз, немис тиллари кенг дастур асосида ўргатилмоқда. 11 та мактабда математика ва физика фанлари мукаммал ўргатиляпти. 7 та мактабда ўқувчилар кимё фанидан асосий билим олмоқдалар. Бир қатор мактаблар олий ўқув юртлари, илмий текшириш институтлари билан ижодий ҳамкорликда иш олиб бораяпти. Булар қаторига 81, 142, 166, 249, 254, 286- ва бошқа мактаблар киради.

Шаҳримиздаги 14 та ўқув ишлаб чиқариш комбинатларида 20 минг ўқувчига мўлжалланган иш жойларида 10—11-синф ўқувчилари ҳунар ўрганишмоқда. Ўқув ишлаб чиқариш комбинатлари В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, Тошкент трактор заводи, Тошкент тўқимачилик комбинати, пойабзал фабрикалари, тўқимачилик машинасозлиги заводи, «Малика», «Чевар», «Қизил тонг» ишлаб чиқариш бирлашмалари билан ҳамкорликда ўқувчиларга касб ўргатиш бўйича иш олиб бормоқдалар. 276 та мактабнинг 30 мингдан зиёд ўқувчиси мактаблараро ўқув комбинатларида 60 дан ортиқроқ жамиятимиз учун зарур бўлган касбларни эгаллашмоқда.

Энди мактабни дарсликлар ва бошқа ўқув қуроллари билан таъминлаш ҳақида гаплашайлик. Ҳозирги кунда қизиқарли, тушунарли, чиройли, энг замонавий дарсликлар, ўқув қуроллари тайёрлаш борасида мактаб ўқитувчилари ва ўқувчиларининг талаб ва эҳтиёжларини ўрганиб, ўз вақтида халқ таълими нозирлигининг дарсликлар бўлимига буюртма бериш, ажратилган дарсликларни тўғри тақсимлаш, дарсликлардан тўғри фойдаланишни йўлга қўйишга катта эътибор бераяпмиз. Ўзбекистон ССР халқ таълими нозирлиги ва Ўзбекистон ССР матбуот давлат комитетининг «Ўрта умумтаълим мактаблари учун дарсликлар яратиш тўғрисида кўрик» ўтказиш тўғрисидаги буйруғи ва низоми шаҳардаги барча район халқ таълими бўлимлари ва мактабларга етказилди ва бу борада иш бошлаб юборилди. 1989—90 ўқув йилида 868 минг сўмлик—рус синфлари учун 73 номдаги, ўзбек синфлари учун 78 номдаги, жами 151 номдаги дарсликлар олинди. 1990—91 ўқув йилига 940 минг сўмлик дарсликлар олиш мўлжалланган. Шунинг билан бирга, бизни дарсликлар сифати пастлиги, айримларининг ҳозирги кун талабларига жавоб бермаслиги қийнаяпти, бу борада кескин бурилиш ясаш вақти келди.

— Ўзбекистон ССРнинг Давлат тили тўғрисидаги Қонуни амалга оширилаётган айни пайтда мактабларда она тили ўқитилишида ижобий ўзгаришлар бўлаяптими? Рус тилида сўзлашувчи аҳолига жумҳурият Давлат тилини ўзлаштиришда амалий ёрдам берилаяптими?

— Ўқув муассасалари ва мактабларда ўзбек тили ва адабиёти ўқитилишини яхшилаш бўйича зарур бўлган тадбирларни ишлаб чиқдик. Ўзбекистон ССР Педагогика жамияти, Фанлар академияси, Тил ва адабиёт институти, Қори-Ниёзий номидаги педагогика фанлари илмий тадқиқот институти, Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси Ўзбекистон ССРда ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилиши муносабати билан мактабларда ўзбек тили ва адабиётини ўқитиш муаммолари мавзусидаги илмий-амалий йиғилиши ўтказилди. Шаҳримиздаги 55, 120, 159, 175, 191, 242-мактабларда ўзбек тили ва адабиётини чуқурлаштирилган дастур асосида ўқитиш бошланди. Янги ўқув йилидан эса ўзбек имлосини ўқитиш айрим мактабларда йўлга қўйилади. 1990 йилнинг январидан бошлаб рус синфларида ўзбек тилидан дарс берувчи ўқитувчиларнинг иш ҳақи 15 фоизга ошди. Бошқармамиз ёрдамида 1680 ишлаб чиқариш корхона ва муассасаларида ўзбек тилини ўрганиш бўйича тўгараклар очилди, бу тўгаракларда 25660 дан зиёд киши таълим олмоқда.

— Фарзандни буюк алломамиз Навоий «Меҳри анвар» — хонадонни чароғон қилувчи, онлага қувонч, бахт олиб келувчи машъал деб таърифлаган. Жумҳуриятимизнинг келажакдаги истиқболи бўлган ёш авлодни чинакам ватанпарвар ва етук инсонлар қилиб тарбиялаш учун истиқболли режалар кўрилаяптими?

— Ёш авлодни чинакам ватанпарвар ва етук инсонлар қилиб тарбиялаш йўлида шаҳримиз маорифчилари кенг жамоатчиликка таянган ҳолда иш кўрмоқда. Аввало, бу борада, биринчидан, маорифчиларнинг асосий вазифаси мактаб ишини давр талабига тўла-тўкис жавоб берадиган ва бир оз келажакни кўра биладиган даражага кўтариш керак; иккинчидан, жумҳуриятимизнинг ҳар бир ёш аъзоси ўзининг имкониятига, иқтидорига, хоҳиши ва мойиллигига қараб, хоҳлаган жабҳасида етук инсон бўлиб етишишига имконият яратиш бизнинг ҳам қарзимиз, ҳам фарзимиздир. Шаҳримиз ўқувчи ёшлари ҳозирда 11 та пионер ва ўқувчилар саройлари ва уйларида, 7 та Ёш техниклар станциясида, 1520 дан зиёд тўгаракларда ўз севган машғулотлари билан шуғулланмоқда. Мактаблар ва ҳунар техника билим юртларида 5700 дан зиёд тўгараклар ёшларга санъат, адабиёт, халқ ҳунармандчилиги, техника ижодиётидан, мусаввирликдан, жисмоний тарбия ва спорт сирларидан сабоқ бермоқда. Турар жойларда 50 дан зиёд ўсмир-ёшлар клублари ишламоқда.

— Ота-оналар билан мактаб жамоаси ўртасидаги яхши алоқа ижобий самаралар бериши тажрибаларда синалган. Иш-юмуш ва ҳаёт ташвишлари билан банд бўлган ота-оналарга мактаб ҳаётидан доим хабардор ва ҳамкор бўлишлари учун шарт-шароитлар яратиш омиллари борми?

— Бугунги кунда янада чуқурлаштирилган мактаб ҳаётини халқчиллаштириш жараёнини ота-оналарсиз тасаввур қилиш қийин. Район ва мактабларда ота-онани, кенг жамоатчиликни кўнгилли мактабларга ёрдам жамғарма фондлари тузилмоқда. Куйбишев райони халқ таълими бўлими қошида тузилган «Болаларга мадад фонди»нинг иш тажрибасишаҳримизда кенг қулоч ёймоқда. Ота-оналар мактаб коллективлари томонидан тўгараклар ташкил этишга, байрамлар ўтказишга, жамоа имтиҳонлари қабул қилишга, очиқ дарслар ташкил этишга кенг кўламда жалб қилинмоқдалар. Ҳамма мактабларимиз ва ўқув муассасаларимизда ота-оналар дорилфунунлари ишлаб турибди.

Бошқармамиз ташаббуси билан ташкил этилган ягона сиёсий кун туридаги ота-оналар мажлислари ҳозирги кун талабига жавоб беради, деган умиддамиз.

— Суҳбатимиз охирида яна Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Мурожаатномасидаги: «Мактабни бахтли қилсак — эртанги кунимиз ҳам бахтли, саодатли бўлади», дейилган сўзларга тўхталсак, Сиз тажрибали маорифчи сифатида мактабнинг бахтли бўлишини қандай тасаввур қиласиз?

— Ҳақиқатан ҳам, келажак кунимизнинг бўлғуси эгалари бахтли, шодон, фаровон бўлишларида ҳозирги кунда мактабларимизда олиб борилаётган таълим-тарбиявий ишнинг ташкил этилиши сифати муҳим ўрин тутади. Бунинг учун мактаблар моддий базаси мустаҳкам бўлиши зарур. Ҳар бир ўқувчи билан жонли, алоҳида мулоқотга эришиш учун, албатта, синф ўқувчилари сонини имкони борича қисқартириш, жумҳуриятимиз бўйича ўртача ҳар бир синфда 25 ўқувчи таълим олади, шаҳримизда бу кўрсаткич 29 ва ундан кўпроқни ташкил этади. Бу ҳол жараёнга салбий таъсир кўрсатмоқда. Шаҳар, ноҳия, халқ депутатлари кенгашлари, ижроқўмлар, шаҳримиз мактаблари синфларида ўқувчилар сонини 25 тага туширишга ёрдам берсалар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «Келажагимиз—мактабда» Мурожаатномасини бажаришга катта ҳисса қўшган бўларди. «Улкан» мактаблар қурилишидан воз кечиш лозим, иш планлари, мутахассисликни танлашда эркин ҳаракат қилиш, энг муҳими — ўқувчи-ўқитувчи ҳамкорлиги ва ўқитувчи муҳим аҳамият касб этади.

Суҳбатдош
Тўлқин РАСУЛЕВ.

БЎЛАЖАК АСКАРЛАР БИЛАН УЧРАШУВ. Фрунзе районидаги «Космодром» кафесида ажойиб тадбир ўтказилди. Бу ерга Совет Армияси сафига чақирилувчи йигитлар йиғилдилар. Улуғ Ватан урушн қатнашчилари, Қаҳрамон оналар, қўййигитки, катта ҳаётий тажрибага эга бўлган кишилар сўзга чиқиб, бўлажак аскар йигитларга ўз кўрган-кечирганларн ва турмуш қийинчиликларини мардонавор енгиш йўлларн ҳақида ўртоқлашишдн. Пойтахтдаги етук санъат усталари эса концерт номерларн ижро этдилар.

СУРАТДА: учрашув пайти.

Р. Шарипов суратлари.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

1-ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИ

АҲОЛИ ВОСИТАЛАРИ ҲИСОБИДАН

ХОНАДОНЛАРНИ ТАЪМИРЛАЙДИ

«Ташжилремонт» трести 1-қурилиш бошқармасининг мутахассислари буюртмангиз билан қуйидаги ишларни бажаришади:

девор ва шипларни оқлаш;

гулқоғоз ёпиштириш;

пол, эшик ва дераза ларни бўяш;

деворларга ва полга кошин қоплаш;

дераза ромларини ўрнатиш. Шунингдек, турли тузилишдаги металл эшикларни тайёрлайдилар ва ўрнатиб берадилар;

иситиш системаларини, радиаторларни ҳамда иссиқ ва совуқ сув қувурларини алмаштириб берадилар.

Қурилиш бошқармаси шунингдек, чорбоғлар учун шлакли блокларни тайёрлайди.

ХОНАДОНЛАР ТАЪМИРИ БИЛАН БОҒЛИҚ МАСАЛАЛАР ЮЗАСИДАН ҚУЙИДАГИ МАКОНЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИНГ:

Куйбишев, Октябрь, Фрунзе районларидан — 1-Пушкин ўтар кўчаси, 6-уй, телефонлар 33-10-53, 33-06-22;

Киров, Собир Раҳимов районларидан — Юнусобод даҳаси, 6-мавзе, 14-уй, телефон 24-64-72;

Чилонзор, Акмал Икромов, Сергели районларидан — Чилонзор даҳаси, 11-мавзе, 36-уй, квартира 62, телефон 76-14-47.

ИСИТИШ СИСТЕМАЛАРИНИ АЛМАШТИРИШ, МЕТАЛЛ ЭШИКЛАРНИ, ШЛАКЛИ БЛОКЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ МАСАЛАЛАРИ ЮЗАСИДАН ҚУЙИДАГИ МАКОНГА МУРОЖААТ ҚИЛИНГ:

Циолковский кўчаси, 186-уй, 1-қурилиш бошқармасининг базаси, телефонлар: 67-55-73, 33-10-53, 33-06-22.

Қабул пунктлари соат 9 дан 19 гача ишлайди. Дам олиш куни — якшанба.

«ТАШЖИЛРЕМОНТ» ТРЕСТИНИНГ 1-ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИ.

«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.

ТОШКЕНТЛИКЛАР ДИҚҚАТИГА!

АГАР МЕБЕЛИНГИЗ ШИКАСТЛАНГАН БЎЛСА ХАФА БЎЛМАНГ!

Бизнинг мутахассисларимиз уларнинг фақат ёғоч қисмигина эмас, балки юмшоқ қисмлари ва матоларини ҳам қайта тиклаб берадилар. Бундай хизмат айрим шахслар ва корхоналар учун (Тошкент шаҳар ижрокомининг чекланган рўйхатига кўра)

АМАЛГА ОШИРИЛАДИ

ТАЪМИРЛАШ ЦЕХЛАРИ МАНЗИЛГОҲЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ИШ ВАҚТИ:

СОБИР РАҲИМОВ РАЙОНИ —

2-РМН—«Сағбон» кўчаси, 22-боши берк кўча, 8-уй. Телефон 44-25-51 (автобуслар: 38, 59, 76, 100, 166, «Ҳуррият» бекати, соат 9 дан 20.00 гача, соат 13 дан 14.00 гача танаффус, дам олиш куни — душанба.

КУЙБИШЕВ РАЙОНИ —

4-РМН — Каблуков — Қори-Ниёзий кўчалари муюлиши, («Ҳ. Олимжон» метро станцияси), соат 9 дан 20.00 гача, соат 13 дан 14.00 гача танаффус, дам олиш куни — душанба;

4-РМН БЎЛИМИ — Черданцев кўчаси, 2 (автобуслар: 1, 16, 26 «э», 101 «э», «Луначарский шоссеси» бекати). соат 9 дан 20.00 гача, соат 13 дан 14.00 гача танаффус, дам олиш куни —душанба;

КИРОВ РАЙОНИ —

1-РМН — Юнусобод массиви (бозори). Телефон: 24-87-27 (автобуслар: 51, 60, 82, «Универсам» бекати, трамвайлар: 25, 28, 29, «Бозор» бекати), соат 9 дан 19.00 гача, соат 13 дан 14 гача танаффус, дам олиш куни — душанба;

1-РМН БЎЛИМИ — Аҳмад Дониш кўчаси, 4-уй (автобуслар: 49, 72, 92, 97, «16-квартал» бекати), соат 9 дан 19.00 гача, соат 13 дан 14.00 гача танаффус, дам олиш куни — душанба.

АКМАЛ ИКРОМОВ РАЙОНИ —

3-РМН — Уйғур кўчаси, «Маиший хизмат шаҳарчаси». Телефон: 47-16-15, автобуслар: 20, 46, 53, 87, «Костер» пионер лагери» бекати), соат 9 дан 19.00 гача, соат 13 дан 14.00 гача танаффус, дам олиш куни — душанба.

ФРУНЗЕ РАЙОНИ —

4-РМН БЎЛИМИ — «Аския» бозори (трамвайлар: 4, 7, 9, 24, 28; троллейбуслар: 2, 6, 13, 16; автобуслар: 2, 3, 50, 57, 56, 40, 97), соат 9 дан 19.00 гача, соат 13 дан 14.00 гача танаффус, дам олиш куни — душанба.

ОКТЯБРЬ РАЙОНИ —

5-РМН — Халқлар дўстлиги проспекти, 8 «а», «б». Телефон: 45-36-69 (автобуслар: 59, 62, 27, 7 «э»; «Комсомол» метро станцияси), соат 9 дан 19.00 гача, соат 13 дан 14.00 гача танаффус, дам олиш куни — душанба.

5-РМН БЎЛИМИ — «Кўкча» бозори, трамвайлар: 8, 11, 17—охирги бекат) соат 9 дан 20.00 гача, соат 13 дан 14.00 гача танаффус, дам олиш куни — душанба.

СЕРГЕЛИ РАЙОНИ —

6-РМН — «Спутник» бозори (троллейбус: 19, автобуслар: 4 «э», 58 «э», 66, 75, 177, «Бозор» бекати), соат 9 дан 19.00 гача, 13 дан 14.00 гача танаффус, дам олиш куни — душанба.

Мебелни олиб кетиш ва қайтиб олиб келиш учун транспорт берилади.

ТАЛАБАЛИККА — ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ ОРҚАЛИ

Тошкент машинасозлик институти базасидаги

ТАЖРИБА ЎҚУВ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ (ЭУННО)

Узлуксиз техника таълими ягона давлат системасини амалга ошириш мақсадида

Тошкент шаҳри мактабларининг 9-синф битирувчиларини келгусида Тошкент машинасозлик институтига кириш учун 40-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИГА

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Юқорида номлари келтирилган группаларга конкурс асосида қабул ўтказилади.

Ўқишга кирувчилар физика ва математикадан кириш имтиҳонларини топширадилар.

Билим юртида мазкур фанлардан машинасозлик институти ўқитувчилари дарс берадилар.

Тайёргарлик қуйидаги фанлар бўйича олиб борилади: электрон аппаратура радиомонтажчиси, электрон аппаратурани йигувчи-слесарь, кенг профилдаги станокчи, электр пайвандчи.

Билим юрти ва институтда ўқиш — 7 йил.

Бу йиллар меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади. Ўқувчилар ўқув даврида давлат таъминотида бўладилар.

Тажриба группаларига кириш учун ариза лар билим юртида қабул қилинади. 45-47-35 телефони орқали маълумот олиш мумкин.

Билим юрти манзилгоҳи: 700003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон проспекти, 106 («Халқлар дўстлиги» метро станцияси).

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон ССР Халқ таълими вазирлиги

30-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

Ўрта Осиё ва Узоқ Шарқ темир йўлига кадрлар тайёрлаш учун

1990-91 ЎҚУВ ЙИЛИГА

қуйидаги ихтисосликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тепловоз машинисти ёрдамчиси, электровоз машинисти ёрдамчиси.

Ўқиш муддати — 3 йил.

9-синф ҳажмида маълумоти бўлган йигитлар қабул қилинади.

Ўқишга қабул қилинганлар овқат, кийим-бош билан таъминланадилар; тепловоз машинисти ёрдамчиси, электровоз машинисти ёрдамчиси, узоққа борувчи пассажир вагонлар проводниги, йўл устаси, ҳаракатланувчи состав слесарь-созловчиси.

11-синфни битирган ва 10-синф ҳажмида маълумоти бўлиб Совет Армияси сафидан запасга бўшатилган йигитлар қабул қилинади. Стипендия ойига 72 сўм.

Ўқиш муддати — 6—10 ой.

Ўқиш рус тилида олиб борилади.

Четдан келганларга ётоқхона берилади.

Ўқиш даври иш стажига қўшиб ҳисобланади.

Ўқувчилар темир йўл ходимлари учун мавжуд бўлган барча имтиёзлардан фойдаланадилар.

Билим юртини битирганларга диплом берилади.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари керак: директор номига ёзилган ариза, паспорт, ҳарбий билет, иш ва яшаш жойидан справкалар, характеристика, 10 дона фотосурат (3х4).

ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ (якшанбадан ташқари) СОАТ 9 ДАН 16.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Бизнинг манзилгоҳ: Тошкент шаҳри 5-п/б, Ленин райони Червяков кўчаси, 12 (трамвайлар: 1, 5, 26, «Фоменко» кўчаси бекати).

Телефон: 91-14-07.

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ, ҚАЙТА ЎҚИТИШ ВА КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШ МАРКАЗИ

«Вторчермет» Ўзбекистон жумҳурият ишлаб чиқариш бирлашмасига

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.

Бош механик-энергетик ўринбосари, автоматлаштирилган бошқариш системалари бюросининг бошлиғи, техника бўйича бюро бошлиғи, қурувчи-муҳандис, ҳисобчи, марказий омборнинг омборчиси.

Сергели район ишга жойлаштириш бўлимига мурожаат қилинсин: Йўлдош шаҳарча, 2-даҳа, 69-уй.

⊙ ЁДНОМА. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг бир гуруҳ талабалари атоқли шоир Ғафур Ғулом уй-музейидаги кўргазмаларни кўздан кечиришяпти. С. Мусаев сурати.

Фестиваль қатнашчиларига совринлар

Ўзбекистон пойтахтида болалар ижодиётининг «Булбулча—90» жумҳурият фестивали очилди. Унинг қатнашчиларини беш юз дона совға кутмоқда. Байрамда худди шунча бола қатнашмоқда.

Фестиваль ташкилотчилари «Дунёда энг бахтли болалик»ни дабдаба билан намойиш этган аввалги болалар кўрикларидан фарқли ўлароқ расмиятчиликдан қочишга ҳаракат қилдилар. Ғолибларни мукофотлаш маросими билан ўтказилган конкурслар ва кўриклар энди орқада қолди. Барча болаларнинг қобилияти бор, дейишмоқда фестиваль ташкилотчилари, бундай байрамлар уларни хурсанд қилиши, ғолиблар ва мағлубларга ажратмаслиги керак.

М. Горький номли болалар боғининг майдончалари ва саҳналарида, баъзида эса бевосита хиёбонларда мусиқа ва қўшиқлар янгради. Нукус интернат мактабининг ёш қўғирчоқбозлари ўзлари саҳнага қўйган асарни намойиш этдилар, Хоразм болалар уйининг тарбияланувчилари эса бу ерга рақс ва вокаль-чолғу ансамбларини олиб келишди. Баҳор ва Тошкент, Фарғона ва Самарқанднинг ёш рассомлари, сураткашлари, конструкторлари ўз асарларини кўргазмага қўйишди.

Болаларнинг шоду хуррамлиги ва табассумига қараганда байрам кўнгилдагидек ўтди. Янги-янги таассуротлар ва учрашувлар, ёзги таътил кунлари олдидан янги дўстлар орттириш ва яхши кайфият болалар учун энг яхши мукофот бўлади.

(ЎзТАГ мухбири).

Шу куннинг мавзуида

САБЗАВОТЛАР КИМЁВИЙ ДОРИДАН ҲОЛИМИ?

⊙ Мана, дўконларнинг пештахталарига эртанги сабзавот ва полиз маҳсулотлари кела бошлади. Жумҳуриятимиздан ташқарига мева ва сабзавотлар чиқармаслик тўғрисидаги республика Президентининг Фармони бу борадаги танқисликка барҳам бериб бораяпти. Бироқ масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Ана шу сабзавот ва полиз маҳсулотлари кимёвий дорилардан ҳолими?

КУНИ кеча Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш нозирлиги қошида бўлиб ўтган матбуот конференциясида ана шу саволга мумкин қадар жавоб берилди. Конференцияда барча вилоят ва ноҳияларнинг бош санитар врачлари, жумҳурият саломатлик маркази ходимлари ва журналистлар иштирок этдилар.

Давлат бош санитар врачи Т. Искандаров сўзга чиқиб, шу йилнинг 15 майидан бошлаб жумҳуриятимизнинг барча ҳудудида сабзавот ва полиз экинлари ва бошқа хўл мевалар етиштиришда аммиакли селитра ишлатиш мутлақо тақиқланганлигини айтди.

Шу билан бирга кўрилаётган чора-тадбирларга қарамай, қишлоқ хўжалик маҳсулотларига жойларда меъёридан ортиқ, киши саломатлиги учун хавфли бўлмиш аммиакли селитра қўлланилаётганлиги таъкидлаб ўтилди. Маълум бўлишича, бундай маҳсулотларнинг таркибидаги нитрат тузлари белгиланган нормадан 3,5 марта кўп экан. Масалан, 1988 йилда бу кўрсаткич 12,5 фоизни ташкил этган бўлса, 1989 йилда 14 фоизга етган. Бундан ташқари ўғитлардан зўр бериб фойдаланиш оқибатида аҳоли соғлиғига зарар келтираётган нитрат тузининг ичимлик сувига аралашмаси ўртача йиллик миқдори 10 фоизни ташкил қилган.

Аммиакли селитадан зўр бериб фойдаланиш оқибатида аҳоли ўртасида ўсимта, камқон, эшак эми (халқ тилида шундай ном олган) ва бошқа касалликлар кўпаймоқда. Сўнгги 10 йил ичида ўсимта касаллигига чалинганлар 17 фоизга ўсди. Ана шундай кимёвий дорилар кўпроқ қўлланилган ерларда эса бу касалликлар бошқа жойларга қараганда 1, 6—2,2 марта кўп.

Шу сабабли бу вазифани қаттиқ назорат қилиш барча жумҳурият вилоятлари, шаҳар ва ноҳияларнинг бош санитария шифокорлари назоратига топширилди. Шунингдек, шартларни бузган шахсларга маъмурий жавобгарликка тортилиши таъкидланди. Мева ва сабзавот экинлари таркибидаги нитрат тузларининг миқдори санитария-гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институти, Тошкент Давлат тиббиёт институти, Ўзбекистон жумҳурияти Фанлар академияси, Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш нозирлиги ва жумҳурият санитария эпидемиология станцияси ходимларининг ҳамкорлигида тавсиялар ишлаб чиқилди. У йиғилиш қатнашчилари томонидан якдиллик билан қўллаб-қувватланди.

К. СУЛТОНОВА.

СУДЬЯЛАР ҚАСАМЁДИ

⊙ Ўзбекистон ССР Олий судининг мажлислар залига тўпланганлар одатдан ташқари маросимнинг гувоҳи бўлдилар. СССРда судьялар мақоми ҳақидаги Қонуннинг II-моддасига мувофиқ Тошкент шаҳар суди аъзолари халқ вакиллари ва мутасадди раҳбарлар олдида тантанали равишда қасамёд қилдилар.

— Мен, — дейди куни кеча Тошкент шаҳар суди раисининг ўринбосари лавозимини бажаришга киришган Р. Акбаров, — масъулиятли вазифани ўз зиммамга олар эканман, халқ ишончини оқлаш истагида тантанали суратда қасамёд қиламан:

Одил судловни қонунга қатъий амал қилган ҳолда, ўз эътиқодим ва виждонимга мувофиқ, бирон бир кимсанинг таъсиридан қатъий назар, ҳамма фуқаролар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда уларга тенг шароитларни таъминланган ҳолда амалга ошираман.

Зиммага юклатилган вазифаларни юксак фуқаролик масъулияти билан бажараман, ҳамма вақт одил ва инсонпарвар, принципиал ва холис бўламан;

Бор билимларим, қобилиятим ва тажрибамдан социалистик ҳуқуқий давлатни, қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ва фуқароларни Совет қонунларини ҳурматлаш руҳида тарбиялаш учун фойдаланаман;

Ҳамма жойда ва ҳар доим судья деган юксак номни покиза сақлайман, қасамёдга содиқ қоламан.

Шаҳар судининг 30 нафар аъзоси ҳам (шу жумладан, раис ва раиснинг икки ўринбосари) тантанали қасамёд қилдилар. Халқ маслаҳатчилари ҳам бундай тантанали қасамёддан четда қолмадилар. Қонун одил судловлик амалга оширишда судьяларни ҳам, халқ маслаҳатчиларини ҳам бир ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан таъминлайди. Шаҳар судининг 620 халқ маслаҳатчилари ҳам шу куни қасамёд қилдилар.

А. ҲАСАНОВ,
ҳуқуқшунос.

Муҳаррир
Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон ССР Савдо вазирлиги

РЕСПУБЛИКА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1990-1991 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти барча йўналишдаги озиқ-овқат, саноат товарлари бўйича юқори малакали контролёр-кассир ва сотувчилар тайёрлайди. Бу группаларга 25 ёшгача бўлган ўрта маълумотлилар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.

Ўқиш муддати — 8,5 ой.

Ўқишга республикамиз шаҳарларида яшовчилар қабул қилинади.

Ўқиш даври меҳнат стажига киради.

Бошқа шаҳардан келганлар ётоқхона билан таъминланади.

Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Ҳамма фанлардан аъло баҳоларга эга бўлган, битириш имтиҳонларини муваффақиятли топширган ўқувчилар педсовет қарорига кўра, ўқишни битириб бўлгач Тошкент совет савдо техникумига кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.

Ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш практикаси Тошкент шаҳрининг Бош универсал магазинида ва универсамларда олиб борилади.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ариза, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (асли), турар жойидан справка, таржиман ҳоли, 086/У формадаги медицина справкаси, 3х4 см. катталикдаги 6 дона фотосурат, характеристика, шаҳар савдо идораси ва область бошқармасининг йўлланмаси.

Ўқишга қабул қилинганларга ҳар ойда 32 сўм стипендия берилади.

Ота-онасиз ва етим қолган ўқувчиларга ҳамда Улуғ Ватан уруши I ва II даражали ногиронларининг фарзандларига ҳар ойда 41 сўм стипендия тўланади.

Республика ҳунар-техника билим юрти қўнимгоҳи: 700173, Тошкент шаҳри, А. Икромов райони, Бобир кўчаси, 3-уй (13, 70, 116э-автобуслар билан «Чўпон ота», 4, ва 9-трамвайлар билан «Тез ёрдам» медицина клиникаси бекатларигача борилади). Телефонлар: 75-35-86, 75-35-92.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тошкент давлат медицина институти клиникаларининг

ТИББИЁТ БИЛИМ ЮРТИ

ТИББИЁТ ҲАМШИРАСИ ИХТИСОСИ БЎЙИЧА

1990-1991 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

КУНДУЗГИ ВА КЕЧКИ БЎЛИМЛАРГА

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ЎҚИШ МУДДАТИ: кундузги бўлимда — 1 йилу 10, кечки бўлимда 2 йилу 3 ой.

ҚАБУЛ ҚОИДАЛАРИ:

Билим юртининг кундузги бўлимига 30 ёшгача бўлганлар, кечки бўлимига ёши чекланмаган ҳолда қабул қилинади.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига (намуна бўйича) ариза, ўрта маълумоти тўғрисида ҳужжат (асл нусхаси), меҳнат дафтарчаси, 3х4 см ҳажмидаги 4 дона фотосурат, 086/У намунадаги тиббиёт справкаси.

Ҳужжатлар топшириш вақтида паспорт, ҳарбий билет (ҳарбий хизматга мажбурлар) **ёки ҳарбий гувоҳномаси кўрсатилади.**

КУНДУЗГИ БЎЛИМГА АРИЗАЛАР 1 ИЮНДАН 31 ИЮЛГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Кириш имтиҳонлари кундузги бўлимда 15 июлдан бошланади.

КЕЧКИ БЎЛИМГА АРИЗАЛАР 15 СЕНТЯБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ, КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ 1 июндан 25 сентябргача ўтказилади.

ТАЛАБАЛАР САФИГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ: кундузги бўлимда 22 августдан 25 августгача; кечки бўлимда 21 сентябрдан 25 сентябргача давом этади.

КЕЧКИ БЎЛИМДА ЎҚИШ МУДДАТИ 1 ОКТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Билим юртига қуйидаги шахслар имтиҳонсиз қабул қилинадилар: ўрта мактабни олтин ва кумуш медалга, ҳунар-техника билим юртини имтиёзли диплом билан тугатганлар, уруш инвалидлари ва уруш қатнашчилари.

Кириш имтиҳонларини топширишлари лозим бўлган фанлар бўйича мақтов ёрлиғи билан мукофотланганлар суҳбат йўли билан ўтиши мумкин. Билим юртига кирувчи шахслар билан суҳбат давомида, уларнинг дунёқарашлари, касбга бўлган қизиқишлари, шунингдек, имтиҳон ўтказиладиган фанлардан билимини текширишади. Билим юртига кирувчилар қуйидаги фанлардан имтиҳон топширадилар: биология (оғзаки), ўзбек тили ва адабиёти (диктант).

Кундузги бўлимга кирувчилар стипендия билан таъминланадилар.

Билим юрти манзили: Тошкент шаҳри—109. Шифокорлар шаҳарчаси, 6-ётоқхона. 10, 28, 34, 82, 100-автобуслар, 15, 16-трамвайларнинг «Шифокорлар шаҳарчаси» бекати.

Ўзбекистон ССР Халқ таълими вазирлиги

18-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1990-1991 ўқув йили учун

ҚУЙИДАГИ КАСБЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Электр-газ пайвандчи, токарь, рақамли программа билан ишловчи станокларнинг бошқарувчилари, қолипловчи, механик-йиғув ишлари слесари.

ЎҚИШ МУДДАТИ: 9-синфни тамомлаган ўқувчилар учун 3 йил ва 11-синфни тамомлаган ўқувчилар учун 1 йил.

3 йил ўқиш муддатига қабул қилинган ўқувчилар бепул иссиқ овқат ва махсус кийим билан таъминланадилар.

Билим юртига қабул қилинганлар ишлаб чиқариш практикаси даврида меҳнат қилиб топган маошларининг 50 фоизини оладилар.

Билим юртимизда спорт комплекси, техника ва мусиқа тўгараклари бор.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртини аъло баҳоларга тамомлаганлар олий ўқув юртларига ўқишга кириш учун йўлланма оладилар.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади: директор номига ариза, маълумоти ҳақидаги гувоҳнома, медицина справкаси 6 дона фотосурат (3х4) см., характеристика, турар жойидан справка.

Аризалар ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Машғулотлар 1990 йил 1 сентябрдан бошланади.

Бизнинг манзил: 700100, Тошкент шаҳри, Фрунзе райони, Ш. Руставели кўчаси 57-уй, 2, 3, 35, 50, 54-автобуслар; 7, 9, 11, 28, 24-трамвайлар; 2, 6, 13, 14, 16-троллейбусларнинг «Социалистик шаҳарча» бекати).

Телефонлар: 53-95-26, 53-95-23, 53-95-21.

«Главташкентстрой» ҳузуридаги

5, 6, 12, 31, 35, 43-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТЛАРИ

Совет Армияси сафларида ўз хизмат бурчини ўтаган ва Тошкент шаҳрида доимий яшаб турувчи ёшларни

қуйидаги ихтисосликлар бўйича

6 ОЙЛИК ЎҚИШГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Монтажчи-пайвандчи, қурилиш дурадгори, ғишт теручи, қолипловчи, бетончи, электр пайвандчи, бўёқчи-сувоқчи.

Ўқиш — группаларнинг тўлишига қараб бошланади.

Ўқишни тамомлагандан кейин билим юртларини тугатган ўқувчилар «Главташкентстрой»нинг қурилиш бўлинмаларида ишлайдилар.

Тошкент шаҳрида камида 3 йил мобайнида яшаб турган кишилар уй-жой олиш учун навбатга ёзилишлари мумкин.

Бошқарманинг айрим бўлинмалари имтиёзли шартномалар шартларига кўра уй-жой билан таъминлашни амалга оширадилар.

Ҳоҳловчилар қурилишларда ишлаш билан бирга Тошкент шаҳридаги олий ўқув юртларининг кечки бўлимларида ва техникумларда ўқишлари мумкин.

БИЛИМ ЮРТЛАРИ ЖОЙЛАШГАН

МАНЗИЛЛАР:

5-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ (5-ПТУ) — Ленин ноҳияси, Астрахань кўчаси 10-уй.

6-ПТУ — Куйбишев ноҳияси, Луначарский бош кўчаси, 69-уй.

12-ПТУ — А. Икромов ноҳияси, Чилонзор даҳаси, 26-квартал, Забаш кўчаси, 1-уй.

31-ПТУ — Октябрь ноҳияси, Қора тош кўчаси, 40-уй.

35-ПТУ — Чилонзор ноҳияси, Дўмбиробод кўчаси, 74-уй.

43-ПТУ — Киров ноҳияси, Юнусобод даҳаси, А-1.

Маълумотлар юзасидан қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилинсин — 33-51-80, 39-19-57, 45-46-58.

ЯШИЛ БОҒИМ, ОМОН БЎЛГИН!

Дарахтларга касалликлардан ва зараркунандалардан тегишли ҳимоя воситалари билан ишлов беришни, тагига ўз вақтида ўғит солишни унутманг. Ана шунда сизнинг меҳрибончилигингизга боғ ва полизлар мўл ҳосил билан жавоб беради.

БОҒБОНЛАР ВА ПОЛИЗҚОРЛАР!

Тошкент хўжалик моллари савдо ташкилотининг 24/3-магазини сизларни ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини ва ўғитларни харид қилгани

ТАКЛИФ ЭТАДИ

СОТУВДА:

хлорли калий (килограмми 20 тийин), олтингугурт ишқорли калий (3 килограмми 75 тийин), молибденли аммоний (60 тийин), кукунли ўғитлар (60 тийин), сабзавотлар учун таблеткали ўғитлар (45 тийин), «Фиалка» тупроқли ўғити (30 тийин), эрийдиган олтингугурт (25 тийин), кукунли олтингугурт (31 тийин), техник олтингугурт (26 тийин), пастасимон сульфорит, нитрофен, либицин, антихлоризин бор.

24/3-МАГАЗИННИНГ МАКОНИ — Шимолий-Шарқ-2 (собиқ пиво бари).

ИШ ВАҚТИ: соат 10 дан 19 гача, танаффус соат 14 дан 15 гача, дам олиш куни — душанба.

Транспорт: 6, 13, 22-трамвайларнинг, 17 «э», 71-автобусларнинг «Шимолий-Шарқ-2» бекати.



ТОШКЕНТ ХЎЖАЛИК МОЛЛАРИ САВДО ТАШКИЛОТИ.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76; хатлар — 33-29-70; 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-83.

Якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек ва рус тилларида мустақил чиқади.

Р—04051.

Тиражи 139.200. Индекс 64690. Д—2201.

1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.

Узбекистон ССР Маданият вазирлиги

А. НАВОИЙ НОМИДАГИ МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИНИНГ

РЕПЕРТУАР ПЛАНИ

1 июнда — **БОРИС ГОДУНОВ.**
2 июнда — **СЕВГИ ТУМОРИ.**
3 июнда — **ДОН КАРЛОС.**
5 июнда — **ТОҲИР ВА ЗУҲРА.**
6 июнда — **ДУНЁНИНГ ЯРАТИЛИШИ.**
7 июнда — **ФЛОРИЯ ТОСКА**
8 июнда — **ОҚҚУШ КЎЛИ.**
9 июнда — **ЕВГЕНИЙ ОНЕГИН.**
10 июнда — **СЕВГИ АФСОНАСИ.**
12 июнда — **МАЙСАРАНИНГ ИШИ.**
13 июнда — **ИККИ ДИЛ ДОСТОНИ.**
14 июнда — **СЕВИЛЬЯ САРТАРОШИ.**
15 июнда — **СПАРТАК.**
16 июнда — **МАСХАРАБОЗЛАР.**
17 июнда — **РАЙМОНДА.**
19 июнда — **ЗЕБУННИСО.**
20 июнда — **БОҒЧАСАРОЙ ФАВВОРАСИ.**
21 июнда — **ИОЛАНТА.**
22 июнда — **БАЛЕТ, БАЛЕТ, БАЛЕТ... (премьера).**
23 июнда — **КАРМЕН.**
24 июнда — **БАЛЕТ, БАЛЕТ, БАЛЕТ... (премьера).**
26 июнда — **РИГОЛЕТТО.**
27 июнда — **ЖИЗЕЛЬ.**
28 июнда — **ЧИО-ЧИО-САН.**
29 июнда — **ТЎМАРИС.**
30 июнда — **КНЯЗЬ ИГОРЬ.**

Спектакллар — 19.00 да, шанба ва якшанба кунлари соат 18.00 да бошланади.

БИЛЕТЛАР СОТИЛМОҚДА.

Тошкент вилоят комсомол комитети қошидаги «ДИЁР» ВИЛОЯТ ЁШЛАР МУАММОЛАРИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ МАРКАЗИ
М. Горький номидаги Давлат рус драма театри биносида
НОВОСИБИРСК ШАҲАР ЁШЛАР ДРАМА ТЕАТРИ
«САРАТОН-89»
халқаро анжумани иштирокчиларининг ГАСТРОЛЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ

ДАСТУРДА — БОЛАЛАР, ЁШЛАР СПЕКТАКЛЛАРИ ВА ҚЕЧКИ СПЕКТАКЛЛАР:

1, 5, 9 июнь соат 19.00 да
А. Володин.
«ИСОНИНГ ОНАСИ» («Мать Иисуса»).
2, 6 июнь соат 19.00 да
Т. Ружевич.
«КАРТОТЕКА» («Картотека»).
3, 7 июнь соат 19.00 да
Д. Хармс.
«МУВАФФАҚИЯТСИЗ СПЕКТАКЛЬ» («Неудавшийся спектакль»).
4, 8 июнь соат 19.00 да
А. Галин.
«СУНАЕТГАН ЮЛДУЗЛАР» («Звезди на утреннем небе»).

ҚУНДУЗГИ СПЕКТАКЛЛАР:

2, 4, 6, 8 июнь соат 11 ва 14.00 да
Н. Сапгир.
«ЭТИК КИЙГАН МУШУК».
3, 5, 7, 9 июнь соат 11 ва 14.00 да.
Г. Селегей.
«ТЕНТАКЛИКЛАР УСТАХОНАСИ» («Мастерская глупостей»).

Оммавий талабномалар қабул қилинмоқда. 33-01-45 телефони бўйича қўшимча маълумот олиш мумкин.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 23/V **Корсар**, 24/V да **Спартак.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ТЕАТРИДА — 23/V да **Кампир келтармиш**, 24/Vда **Мушкул савдо**, 25/V да **Хотинимнинг эри**, ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 23/V да **Отасининг қизи**, (15, 19.00), 24/V да **Зиёфат**, 25/V да **Паранжи сирлари.**

КИНО

23 МАЙДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Чайка — «АТИРГУЛ НОМИ» (16, 18.30, 20.45).
Нукус — «СИТОРА» (16, 18.30, 20.45).
Восток—«СИТОРА» (16, 18.30 20.45).
Фестиваль (ёзги) — «АТИРГУЛ НОМИ» 20.40).
М. Шайхзода номли — «КАШМИРДАГИ МУҲАББАТ» (16, 18.30, 20.45).
К. Ерматов номли — «ТЕМИР ҲОТИН» (ўзбек тилида, 16, 18.30, 20.45).
Тошкент Советининг 50 йиллиги — «УЧРАШУВ» (18.30); «МОДЕРНИСТЛАР» (16, 21.00).

24, 25 МАЙДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Чайка — «АТИРГУЛ НОМИ» (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45).
Нукус— «СИТОРА» (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45)
Восток — «СИТОРА», (11 13.30, 16, 18.30, 20.45).
Фестиваль (ёзги) — «ГУ-ГА» (20.40).
М. Шайхзода номли — «КАШМИРДАГИ МУҲАББАТ» (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45).
К. Ерматов номли — «БЕНУҚСОН ЖИНОЯТ» (тоқ соатларда).
Тошкент Советининг 50 йиллиги — «УЧРАШУВ» (11, 13.30, 18.30). «МОДЕРНИСТЛАР» (16, 21.00).

Тошкент вилояти саёҳат ва экскурсиялар кенгашининг

«КУМУШКОН» САЁҲАТЧИЛАР БАЗАСИГА

Доимий ишга
Терапевт-шифокор (жарроҳ) ва маданий тадбирлар ташкилотчиси
КЕРАК

Саёҳатчилар базаси Тошкент вилоятининг Тошкент районида жойлашган.

8-272-22393 телефонига мурожаат қилинсин.

Мурожаат қилиш учун Тошкентдаги манзилгоҳ: Тошкент шаҳри, Т. Шевченко кўчаси, 44-уй. Телефон 44-67-03.

Собир Раҳимов районидаги 7-поликлиниканинг 2-филиалига қарашли касаллик варақалари учун фойдаланиладиган йўқолган

УЧБУРЧАКЛИ МУҲР БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«ТЕЛЕТРОН» КИНОБИРЛАШМАСИ **«КИМНИНГ КИМЛИГИ»** бадиий фильмидаги бош роллардан бирининг ижрочиси учун

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

17 ёшдан 25 ёшгача бўлган, шарқ якка кураш турларидан бирининг усулларини биладиган гўзал ва сарвқомат қизлар таклиф этилади.

Конкурс 23—25 МАЙ КУНЛАРИ СОАТ 11 ДАН 17.00 ГАЧА ўтказилади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 69-уй, «Ўзбектелефильм» студияси, «Телетрон» хўжалик ҳисобидаги бирлашмаси, (метронинг «Пахтакор» станцияси).

«Узгипросвязь» институти жамоаси институтнинг кекса ишчиси

Маҳмуд Мусаевич МИРҲАМИДОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76; хатлар — 33-29-70; 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-83.

Якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек ва рус тилларида мустақил чиқади.

«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.